

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**“БЮДЖЕТ ҲИСОБИ ВА ДАВЛАТ ЖАМҒАРМАЛАРИ”  
ФАКУЛЬТЕТИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
Бюджет ҳисоби ва давлат  
жамғармалари факультети  
декани \_\_\_\_\_ Ш.Аллаяров  
“ \_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2014 йил

**“БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК” КАФЕДРАСИ**

**ЧОРШАНБАЕВ ДИЛШОД УМУРЗОКОВИЧ**

**“ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ  
ШАРОИТИДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ”**

5340400–“Бизнесни бошқариш” таълим йўналиши бўйича бакалавр  
даражасини олиш учун ёзилган

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**“ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ”**  
“Бизнес ва тадбиркорлик” кафедраси  
муздари в.б  
\_\_\_\_\_ и.ф.н., доц. Э.И. Эргашев  
“ \_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2014 й.

“

**Илмий раҳбар:**  
\_\_\_\_\_ кат. ўқ. Х.С.Хаджаев  
“ \_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2014 й.

**ТОШКЕНТ-2014**

Мен, Чоршанбаев Дилшод Умурзокович ушбу БМИни мустақил бажардим, кўчирмачилик ҳолати йўқлигига жавоб бераман. Кўчирмачиликка йўл қўйган ҳолатимда БМИ кафедра мудири тақдимномасига асосан ректор буйруғи билан бекор қилиниши ва “қониқарсиз” баҳо қўйилишини биламан.

Чоршанбаев Дилшод Умурзокович \_\_\_\_\_

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ.....</b>	<b>3</b>
<b>I БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ.....</b>	<b>7</b>
1.1. Иқтисодиётни модернизация қилишнинг назарий жиҳатлари.....	7
1.2. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида саноат корхоналарининг тутган ўрни.....	17
<b>II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ВА БУ СОҲАДАГИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ.....</b>	<b>28</b>
2.1. Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида саноат соҳасидаги ўзгаришлар таҳлили.....	28
2.2. Саноат соҳасидаги корхоналар фаолиятининг таҳлили.....	36
<b>III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....</b>	<b>47</b>
3.1. Ўзбекистон иқтисодиётида саноат корхоналарининг ролини ошириш йўллари.....	47
3.2. Саноат корхоналарини ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлаш йўналишлари.....	54
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>59</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>61</b>

## КИРИШ

**Битирув малакавий иш мавзусининг долзарблиги.** Республикамизда иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнларини қатъият билан давом эттириш кечаётган бугунги кунда иқтисодиёт таянчи ҳисобланган корхоналар, хусусан саноат корхоналари фаолияти ўта муҳим ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 78 фоиздан ортиғи юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқлари ҳиссасига тўғри келмоқда<sup>1</sup>.

Саноат корхоналари жамиятимиз ривожда алоҳида ўрин эгаллайди, чунки айнан шу бўғинда бизнес жараёнларини тўғри ташкил этилиши ва бошқарилиши иқтисодиёт ривожининг муваффақиятини белгилаб беради. Шу ўринда Президентимиз И. Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2012-йилнинг асосий яқунлари ва 2013-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек “2013 йилда изчил юқори ўсиш суръатларини, макроиқтисодий барқарорликни сақлаш ва иқтисодиётимиз рақобатдошлигини ошириш энг муҳим устувор йўналишимизга айланиши даркор. Юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлайдиган кимё, нефть-газ ва нефть-кимё саноатини, машинасозлик, металлни қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, енгил, озиқ-овқат саноатининг юқори технологияларга асосланган тармоқларини ва бошқа соҳаларни юксак даражада ривожлантириш олдимизга қўйилган мақсадларга эришишнинг асосий манбаи бўлиши даркор”<sup>2</sup>.

Ушбу мақсадларга эришиш саноат корхоналарининг хўжалик фаолиятини яхшилаш, самарадорлигини ошириш ҳисобига амалга оширилади. Саноат

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2013-йилнинг асосий яқунлари ва 2014-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2014 йил 18 январ.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2012-йилнинг асосий яқунлари ва 2013-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2013 йил 19 январ.

корхоналарда бизнес жараёнларини қай даражада ташкил этилганлиги ва уни бошқариш жараёни мазкур корхоналарнинг ишлаб чиқариш, молиявий ҳамда меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш даражасини янада оширишга имкон беради.

2014-йилнинг асосий йўналишлари ҳақида гапирганда, бу йил саноат соҳасида юксак технологияларга асосланган ва замонавий муҳим объектлар ва қувватларни ишга тушириш, инвестицияларни ошириш ва такомиллаштириш йили бўлишини таъкидлаш лозим.

Албатта саноат корхоналарида модернизация жараёнларини ташкил этиш ва амалга оширилиши мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиши ҳамда макроиқтисодий барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги доимо долзарблигича қолаверади, чунки сифат ўзгаришларини амалга ошириш, рақобат муҳитини шакллантирилиши айнан шу жараёнларга боғлиқдир.

**Битирув малакавий ишининг объекти ва предмети.** Юртимизда амалга ошираётган модернизация жараёнларини янада чуқурлаштиришдан, мамлакатимизнинг изчил ва барқарор ривожланишидан иқтисодиётимизнинг асоси ҳисобланган саноат корхоналари манфаатдордир. Шу боис саноат корхоналарида модернизация жараёнларини ташкил этиш ва амалга ошириш бугунги кунда жамиятимиздаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда. Шунинг учун ҳам объект сифатида иқтисодиётни модернизациялаш жараёнларида саноат корхоналари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш механизми танлаб олинган. Предмети эса иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнларида саноат корхоналарининг ролини ошириш йўллариини ўрганишдан иборат.

**Битирув малакавий ишининг мақсади** иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнларида саноат корхоналари ролини ошириш ва уларни ривожлантириш йўллариини ёритишдан иборат.

**Битирув малакавий ишининг вазифалари.** Ушбу мақсадга эришиш учун биз қуйидаги вазифаларни ҳал этишимиз лозим:.

- иқтисодийни модернизация қилишнинг назарий жиҳатларини очиб бериш;
- иқтисодийни модернизация қилиш шароитида саноат корхоналарининг тутган ўрнини изоҳлаш;
- Ўзбекистонда иқтисодийни модернизация қилиш шароитида саноат соҳасидаги ўзгаришлар таҳлилин баён этиш;
- саноат соҳасидаги корхоналар ва тадбиркорлик субъектлари фаолияти таҳлилин амалга ошириш;
- Ўзбекистон иқтисодийида саноат корхоналарининг ролин ошириш йўллари кўрсатиш;
- саноат корхоналарини ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлаш йўналишларини ёритиш.

**Битирув малакавий ишининг назарий-амалий аҳамияти** Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида саноат корхоналарини ривожлантириш йўллари бўйича адабиётларнинг ўрганилганлиги асосида хулосалар қилинганлигидир.

#### **Битирув малакавий ишининг таркибий тузилиши.**

Мазкур битирув малакавий иши кириш, 3 та боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув малакавий ишининг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, битирув малакавий ишининг объекти ва предмети, мақсад ва вазифалари, амалий аҳамияти, шунингдек ҳар бир бобнинг қисқача тавсифи очиб берилган.

Битирув малакавий ишининг биринчи боби иқтисодийни модернизация қилиш шароитида саноат корхоналарининг тутган ўрнига бағишланган бўлиб, унда иқтисодийни модернизация қилишнинг назарий жиҳатлари ва иқтисодийни модернизация қилиш шароитида саноат корхоналарининг тутган ўрнини изоҳлаш билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратилган.

Иккинчи бобда Ўзбекистонда иқтисодийни модернизация қилиш шароитида саноат корхоналари ва бу соҳадаги тадбиркорлик субъектлари фаолияти таҳлили масалалари қамраб олинган бўлиб, Ўзбекистонда иқтисодийни модернизация қилиш шароитида саноат соҳасидаги ўзгаришлар ҳамда саноат соҳасидаги корхоналар ва тадбиркорлик субъектлари фаолияти

таҳлили амалга оширилган.

Учинчи боб Ўзбекистон иқтисодиётида саноат корхоналарининг ролини ошириш ва уларни ривожлантириш йўлларини ёритишга қаратилган бўлиб, унда Ўзбекистон иқтисодиётида саноат корхоналарининг ролини ошириш йўлларини ҳамда саноат корхоналарини ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлаш йўналишлари баён этилган.

Хулоса қисмида битирув малакавий иши юзасидан қилинган умумий хулосалар ҳамда иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида саноат корхоналарини ривожлантириш йўллари бўйича таклифлар берилган.

## **I БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ**

### **1.1. Иқтисодиётни модернизация қилишнинг назарий жиҳатлари**

Иқтисодиётни модернизация қилиш назариялари барқарор анъанавий жамиятдан узлуксиз ўзгариб турувчи замонавий индустриал жамиятга ўтиш жараёнини тушунтирувчи ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиш концепцияларининг умумийлигини ўзида акс эттирувчи назариялар бўлиб, ижтимоий ривожланишнинг кетма-кет босқичларини аниқлашга йўналтирилган ва шу билан бир вақтда замонавий жамиятлар эволюциясининг турли

босқичларидаги мавжуд бўлган амалий тавсифи ҳисобланади.

Иқтисодий ва модернизация қилиш назарияси ўзидан аввалги босқич назарияларга қараганда жаҳондаги хилма-хилликни сезиларли даражада кўпроқ ҳисобга олишга интилади.

Модернизация назарияси доирасида биринчи навбатда жамиятнинг анъанавий ва замонавий типлари ажратилади. Анъанавийдан замонавийга ўтиш жараёни модернизация деб аталади.

Модернизациянинг қуйидаги асосий назариялари мавжуд.

1. Классик, ёки ғарб модернизациясига мос келувчи  
2. «Қолоқлик модернизацияси» назарияси – классик назарияни ривожланаётган мамлакатлар нуқтаи назаридан танқиди. Бу “ўз кучига таянч билан модернизация”.

3. Неоконсерватив назарияси ёки «модернизациясиз модернизация», яъни қаттиқ боғланган ғарб меъёрлари ва шакллари билан модернизациядир.

Модернизациянинг классик мактаби XX асрнинг ўрталарида шаклланди. У ғарб жамиятининг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муваффақиятларининг акс этиши бўлиб қолди. Бу назария вакилларига У. Ростоу, М. Леви, Д. Лернер ва бошқалар кирди. Бу назария асоси бўлиб жамиятни бир чизиқли тараққий эттириш ҳақидаги эволюция қоидалари ҳамда анъаналар ва замонавийликни бирлаштириб бўлмаслик фикри хизмат қилади. Модернизациялаш мактаби тарафдорлари тараққиётни бозор иқтисодийлигини ва либерал демократия шаклланиши билан боғлайдилар.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича модернизациясининг бош муаммоси бу фақат давлат фаол иштирок этганда таъминланиши мумкин бўлган ўзгартиришларнинг мувофиқлаштирилишидир.

1950-60 йилларда модернизация назарияларида ўзгартиришларни мувофиқлаштиришнинг “технократик” ҳолати яққол етакчилик қилди. Бу босқичда индустриал тизимнинг технологик, таълим, институционал ва ташкилий қисмлари ўртасидаги мувофиқлик асосий ҳисобланган. 1980 йилларда эса техник-ташкилий ўзгаришларни ижтимоий-маданий қадриятлар ва анъаналар

билан мувофиқлаштириш асосий ҳолат сифатида қарала бошланди. Бунда индустриал тизимни модернизациялашда ўзгартиришларнинг асосий белгилари қуйидагилар билан изоҳланган:

— иқтисодий ривожланишнинг мақсад ва устиворликларини ўзгартириш зарурлигини, долзарб таҳдидлар ва чеклашларни тан олувчи субъектлар пайдо бўлади ҳамда улар ресурсларни ишлатишда сиёсий ва иқтисодий имкониятларга эга бўладилар; индустриал тизим ўзгаришини қўллаб-қувватлаш механизми ишлаши учун зарур модернизацияни таъминлаш яратилади, амалдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг “ўйин қоидалари” ўзгаради;

— янги индустриал тизимнинг ташкилий негизи, яъни иқтисодиётни ўзгараётган шароитларга узок муддатли мувофиқлашувини таъминлашга қодир янги мақсадларни амалга оширишга йўналтирилган ўзаро боғлиқ ишлаб чиқаришлар мажмуаси шаклланади;


— ташкилий негиз талабларига мувофиқ таъминловчи тизим, яъни илмий-техник муҳит, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, кадрларни тайёрлаш тизими ўзгаради;

— инфраструктуранинг ташкилий негизи таъсирида анъанавий тармоқлар ўзгаради;

— индивидуал мақсадлари модернизациянинг умумий мақсадлари билан мос келувчи ижтимоий гуруҳлар шаклланади ва биринчи даражада уларга эътибор қаратилади;

— индустриал тизим амал қилиши модернизациясини яқунлаш вазифасини амалга оширувчи янги субъектлар институционаллаштириши юз беради.

Модернизация жараёнлари доирасида одатда юз берадиган ўзгаришларни қуйидаги расмда кўришимиз мумкин:



**1-расм. Модернизация жараёнлари доирасида юз берадиган ўзгаришлар<sup>3</sup>**

Модернизация жараёнлари доирасида юз берадиган ўзгаришлар модернизациялаш жараёнларининг моҳиятини тўғри англашни талаб этади. Шу сабабдан ҳам “модернизация”нинг мазмунига эътибор қаратиш лозим.

Модернизация – объектни такомиллаштириш, яхшилаш, янгилаш, уни янги талаб ва меъёрларга, техник шарт-шароитларга, сифат кўрсаткичларига мослаштириш деган маънони англатади.

Модернизация – анъанавий жамиятнинг илғор, саноат жиҳатдан ривожланган жамиятга айлантириш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий жараёндир. Иқтисодчилар ўртасида модернизацияни кенг маънодаги тушунча сифатида талқин этишнинг неоклассик ва кейнсча ёндашуви мавжуд. Агар неоклассиклар модернизацияга

<sup>3</sup> Иқтисодий адабиётлардаги маълумотлар асосида тузилган

хусусий мулкчилик ва демократияни мустаҳкамлаш сифатида ёндашишса, кейнсчилар эса ушбу масалага миллий иқтисодиёт тармоқларини қамраб олувчи таркибий қайта қуришлар сифатида ёндашадилар.

Модернизация – бу турли хил ижтимоий ва сиёсий жараёнларига тааллуқли бўлган умумлаштирилган атамадир. Модернизация ёки «модернизациялаш»– турли такомиллаштиришларни киритиш орқали замон талабларига мувофиқ ҳолда ўзгартириш, уни замонавийлаштиришдир. Умумий моҳиятига кўра, модернизация анъанавий аграр жамиятдан йирик машиналашган ишлаб чиқаришга ва қонунларга таянган ижтимоий жараёнларни оқилона бошқаришга асосланган индустриал жамиятга ўтиш жараёнини акс эттиради.

Иқтисодиётни модернизация қилиш стратегияси ҳам кўплаб баҳсларга сабаб бўлган ва бунда бу жараённи ҳаракатлантирувчи куч ким бўлмоғи керак деган саволга жавоб беришни илмий қарашлар асоси сифатида танлайдилар. Баъзи назарийчи мутахассислар асосий ҳаракатлантирувчи куч давлат бўлиши лозим деб қарасалар, бошқалар бизнесга умид боғлайдилар. Давлат – мамлакатда модернизация самарадорлигини муҳим мезони ҳисобланади. Кучли давлатга зарурат уни замонавий шароитдаги ривожланишининг асосий тенденцияларидан келиб чиқади. Агар индустриал жамиятда давлат мажбурлаш институти ҳисобланса, постиндустриал жамиятда у уни илмий-асосланган ҳолда ташкил этувчи институтига айланади. Ахборотлар соҳасидаги инқилоблар давлат ҳокимиятини жамият ҳаётининг барча жабҳаларида инсонлар ҳаёт фаолиятини илмий ташкил этувчи субъектига айлантиради. Бу шароитда инсон капитали модернизациянинг бош манбаи сифатида қатнашади. Инсон капитали аввало инсон омилининг жамият ишлаб чиқаришидаги роли ҳамда аҳамиятини оширувчи ўзлаштирилган билимлар, кўникмалар, укувлар, тажриба, ҳаётий донишмандлик, қимматликлар ва меъёрлар жамланмаси сифатида аниқланади.

Ҳақиқатан ҳам ҳар қандай жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи одамлар ҳисобланади. Айнан улар ишлаб чиқариш воситаларини яратади ва ишлатади, охир –оқибатда улар билан биргаликда ишлаб чиқарувчи кучларни ташкил этади. Ишлаб чиқарувчи кучлар даражаси жамият тараққиётининг муҳим

кўрсаткичи ҳисобланади: у қанчалик юқори бўлса, жамият иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг даражаси шунчалик юқори бўлади. Айнан онгли, мақсадга мувофиқ фаолият сифатидаги инсон меҳнати жамият бойлигининг асосий манбаидир. Бу ҳақида иқтисодий назариянинг отаси ҳисобланган А.Смит, кейинчалик Д.Рикардо ва бошқа классик мактаб намоёндалари ҳам шундай фикр билдирганлар.

Хусусан А.Смит учун мамлакатларнинг иқтисодиётдаги қолоқлиги муаммоси миқдорий нуқтаи назардан ўрганилган, бироқ таркибий нуқтаи назар эътиборга олинмаган.

Бизга маълумки А. Смит учун устувор соҳа қишлоқ хўжалиги бўлгани учун ҳам у саноатнинг ўзига хос ролига эътибор бермаган. Бу ажабланарли эмас, чунки унинг даврида айнан аграр монархияга асосланган давлатлар кучлироқ бўлган ва гуллаб яшнаган. Айнан шунинг учун ҳам А.Смит ҳар бир мамлакатда халқаро меҳнат тақсимотида нисбий афзаллик мавжуд бўлган соҳаларни ривожланишини таъминлай оладиган иқтисодий сиёсатни ўтказиш зарур деб ҳисоблаган. А.Смитга айнан мамлакатнинг ички ресурсларини максимал даражада самарали очиш муваффақиятли ривожланишнинг асосий шарти бўлиб кўринган. Бу тавсиялар у ёки бу тармоқ устуворликларидаги тузилмавий қисмлардан деярли бутунлай холи эди. Фақат XIX асрдагина мамлакатлар иқтисодиётидаги қолоқлик муаммоси тузилмавий ҳисобланишини кўрсатди ва у иқтисодий ривожланишнинг ушбу босқичида етакчи тармоқлар ва соҳаларни ажратиб кўрсатишни кўзда тутди. Шуларни эътиборга олган ҳолда модернизациянинг омиллари ва ҳаракатлантирувчи кучлари ичида тадбиркорликка муҳим рол ажратилади. Тадбиркорликка қобилиятли инсон ёки тадбиркор қуйидаги функцияларни бажарганлиги учун ҳам иқтисодиётда ҳаракатлантирувчи куч сифатида қатнашади:

1. Айнан тадбиркор ер, меҳнат капитал ва инсоннинг интеллектуал фаолиятини каби ресурсларни муайян товар ёки хизматлар ишлаб чиқариш жараёнида бирлаштириш ташаббусини ўз зиммасига олади. Айнан у ишлаб чиқариш жараёнида барча ресурсларни бирлаштиради ҳамда ресурсларни

маҳсулот ва хизматлар яратиш учун қайта ишлайди.

2. Тадбиркор бу таваккал қилувчи инсондир. Агар инсон ўйланган, ҳисобланган таваккалга қўл уриш қобилиятига эга бўлмаса, унда уни тадбиркорлик фаолиятида муваффақиятга эришиш эҳтимоли унчалик катта эмас.

3. Тадбиркор бу янгилик киритувчи инсондир. Айнан тадбиркор янги товарлар ва хизматлар, янги ишлаб чиқариш технологиялари ва ҳаттоки бизнесни ташкил этишнинг янги шакллари жорий этиш бўйича асосий қарорларни ўз зиммасига олади. Тадбиркор янги маҳсулотларни бозорда пайдо бўлишининг сабабчиси ҳисобланади, шунинг учун ҳам таваккалчилик даражаси унда бозор иқтисодиёти шароитида фаолият юритувчи бошқа шахсларга нисбатан анча юқори.

4. Тадбиркор воқеликлар ривожланишининг келажагини, у ёки бу инсон ғояларининг жамият учун кераклигини кўра билиш қобилиятига эга. Бундай қобилият тадбиркор муваффақиятининг асосини ташкил этади. Олдиндан кўра билиш қобилиятига эга бўлмаган инсоннинг тадбиркорлик фаолиятида йирик муваффақиятга эришиш эҳтимоли унчалик катта эмас.

Шундай қилиб, тадбиркор табиат, меҳнат, капитал ва инсон интеллектуал фаолияти ресурсларини излаш жараёнини амалга оширувчи ва уларни янги имкониятларни ҳаётга тадбиқ этишда қўлловчи инсондир.

Янги имкониятларни ҳаётга тадбиқ этиш янги ғоялар ва келажакни кўришга очиклик, жамиятда амалдаги анъаналар, ўрнатилган чекловлар ва қарашларни енгиб ўтиш қобилияти, билим ва укувнинг аввалги даражалари билан ўрнатилган тўсиқларни бузиш ва жамият маданиятининг янги намуналарини яратувчанлик қобилияти каби хусусиятларни кўзда тутлади.

Модернизация мактаблари ривожланишида қуйидаги босқичлар ажратилади:

- 1950 йилларнинг иккинчи ярми 1960 йилларнинг биринчи ярми;
- 1960-1970 йилларнинг охири;
- 1980 йиллар;

— 1980-1990 йиллар охири<sup>4</sup>.

Бирламчи модернизация биринчи саноат инқилоби даврини, анъанавий мерос бўлиб қолган имтиёزلарни йўқ бўлиши ва тенг фуқаролик ҳуқуқларини эълон қилиниши, демократизация ва бошқа шу кабиларни қамраб олади. Бу ерда модернизация муаммолари мазмунига кўра классик муаммолар билан мос келади.

Иккиламчи модернизация ва саноати ривожланган мамлакатларни индустрлаштириш биринчисидан фарқли равишда анча эски саноат мамлакатлари мисолида ижтимоий-иқтисодий намуналар мавжуд бўлган шароитда кечди. Модернизация назариясининг турли муаллифлари анъанавий жамиятдан мустақил ривожланишга қодир жамиятга ўтишдаги тўсиқларни енгиб ўтишнинг зарур шартлари ичидан қуйидагиларни айтиб ўтиш мумкин:

- маҳаллий бозорларни умумий бозорларга айлантириш;
- истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчилар ролларини тақсимлаш, ишлаб чиқариш ва ишчи жойларини оилавий хўжаликдан ажратиш, қишлоқдаги меҳнатни малакавийлаштириш ва унумдорлигини ошириш учун шароитлар яратувчи меҳнат бозорини пайдо бўлиши.

Ҳозирги шароитда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча тизимида инсон омилнинг роли ва аҳамиятини ошиши объектив қонуният сифатида қаралади. Бу кўплаб сабаблар билан, аввало фақат ишлаб чиқаришни эмас, балки жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги интеллектуаллаштириш жараёнлари билан боғлиқ. Шу сабабли ҳам ҳозирги иқтисодий назарияларда инсон, инсон капитали ривожини тараққиётнинг ҳар қандай шаклларини ҳал этувчи омили сифатида қаралмоқда. Иқтисодиёт соҳасида Нобел мукофотида сазовор бўлган америка олимлари Гэри Беккер ва Теодор Шульц томонидан ишлаб чиқилган инсон капиталининг кенг тарқалган замонавий концепцияси ҳам айнан шунда тамойиллар асосида яратилган. Улар инсонга йўналтирилган қўйилмалар юқори иқтисодий самара бериши мумкинлигини кўрсатиб бердилар ва охириги ўн йилликларда бундай инвестициялар иқтисодиётнинг ривожланиш стратегиясини

---

<sup>4</sup>Побережников И.В. Энциклопедия модернизационной теории. – М., 2007, Т. 8., № 2. - С. 69

аниклаб бермоқда.

Модернизация назариялари иқтисодий жиҳатлари У.Ростоунинг босқичлар концепциясида, С.Кузнецнинг манбалар, ҳаракатлантирувчи кучлар, ижтимоий омиллар ва миқдорий кўрсаткичлар концепциясида ўз асосини топган.

Назарияда модернизация деганда индустрлаштириш, урбанизация, ваколатли сиёсий ҳокимият умумий ташкил этилиш тизимини яратилиши ва бошқа шу каби жараёнларнинг умумийлиги тушунилади.

Одатда модернизация жараёнларининг қуйидаги даврлари ажратилади:<sup>5</sup>

Модернизация жараёнларининг илк модернизация даври XVI - XVIII асрнинг ўрталаригача бўлган ораликни ўз ичига олади ва бу давр мануфактураларнинг етакчилик роли билан ажралиб туради. Индустрал модернизация эса XVIII аср охири - XIX асрни қамраб олган бўлса, XX асрнинг биринчи ярми оммавий жамиятни яратган индустрал модернизацияга хос бўлган хусусиятлари билан ажралиб турди. XX асрнинг ўрталаридан бошланган ва то ҳозирги вақтгача давом этиб келаётган давр янги индустрал модернизация даври номини олган.

Иқтисодий ривожланиш жараёнининг асосий мазмуни сифатида модернизация ҳақида гапирганда, биз бир қанча ўзаро боғлиқ жараёнларни мувофиқлаштирган ҳолда қарашимиз лозим:

1.Мазкур мамлакат ўзини зарур неъматлар ва ресурслар билан таъминлаш муаммосини устун равишда ҳал этишга ёрдам берадиган услублар ўзгариши билан боғлиқ технологик модернизация.

2.Технологик модернизация томонидан қўйиладиган талабларга жавоб берувчи малакавий, ижтимоий ва таълим тузилишини ўзгаришларни кўзда тутувчи ижтимоий модернизация.


3.Технологик ва ижтимоий модернизация томонидан қўйиладиган талабларга асосланган ҳолда жамият хўжалик ҳаётини тартибга солишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларини ўзгартириш билан боғлиқ институционал модернизация.

---

<sup>5</sup> Вахабов А.В., Разыкова Г.Х. Модернизация экономики. Т.: Университет, 2013, 14 б

4. Институционал модернизацияни амалга ошириш учун қулай шароитларни яратишга йўналтирилган сиёсий модернизация.

5. Модернизациянинг барча бошқа турлари талабларига мос келувчи ва ижтимоий тафаккурни тарбиялаш ҳамда аҳолининг маданий-таълим даражасини шакллантиришни таъминловчи маънавий ва маданий модернизация.



## 2-расм. Модернизация жарёнларининг даврлари

Фақат мамлакатни иқтисодий ривожланишини модернизация қилишнинг айтиб ўтилган барча турлари бир йўналишда олиб борилсагина, унинг суръати ушбу мамлакат учун оқилона даражага яқинлашади. Агар аксинча бўлса, яъни бу модернизация турлари турли йўналишларда олиб борилса, мамлакатнинг умумий ривожланиши барқарор бўлмай қолади ва у мамлакатни таназзулга ҳам олиб келиши мумкин.

Ҳозирги шароитда модернизациялаш жараёнлари янада долзарб бўлиб бормоқда. Кейинги йилларда жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари иқтисодиётига сезиларли таъсир кўрсатган глобал молиявий-иқтисодий инқироз салбий таъсири оқибатларининг олдини олиш турли даражалардаги модернизация жараёнларни амалга оширишда ўзига хос изчилликни, хатти-ҳаракатларнинг ҳар томонлама ўйланганлиги ва асосланганлигини, туб ислохотларни амалга оширишнинг босқичма-босқиччилигини, режа ва мақсадларга томон ҳаракатдаги собитқадамликни тақозо этди.

Мамлакатимизда ҳам иқтисодийни модернизация қилиш жараёнлари олиб борилиши ва модернизация жараёнларининг нечоғлиқ тўғри эканлиги ҳатто жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам республикада барқарор ўсиш суръатларининг сақланиб қолинишини таъминлади.

Келгуси давр учун пухта ва ҳар томонлама асосланган чора-тадбирлар, муҳим вазифа ва йўналишлар, турли даражалардаги иқтисодий тараққиёт дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва аниқ белгилаб олиниши иқтисодийнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлашда муваффақият гарови ҳисобланади. Айтилган пайтда, босиб ўтилган йўл – олдинги даврдаги эришилган ютуқ ва натижаларни танқидий баҳолаш орқали тегишли хулосалар чиқариш, улар асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини янада такомиллаштириб бориш ҳам муҳим принципиал аҳамият касб этади.

## **1.2. Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида саноат корхоналарининг тутган ўрни**

Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида саноат соҳасидаги сиёсат муҳим ўрин эгаллайди. Саноат соҳасидаги сиёсат – бу миллий иқтисодий тузилишини такомиллаштириш, алоҳида тармоқлар ва корхоналар рақобатбардошлигини, шунингдек жаҳон бозорларида умуман иқтисодийни қўллаб-қувватлаш, бозор механизмнинг салбий оқибатларини ўзгартириш мақсадида жамият ресурсларини тақсимлашга давлат томонидан таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари мажмуасидир.

Саноат соҳасидаги сиёсат миллий саноатни қўллаб-қувватлаш ва ўсишини таъминлашга йўналтирилган миллий иқтисодий тизимнинг турли даражаларидаги иқтисодий, сиёсий ва ташкилий чора-тадбирлар мажмуасини ўзида ифодалайди<sup>6</sup>.

Саноат соҳасидаги сиёсат эскирган ишлаб чиқариш тузилмаларини бартараф этиш ва янгиларини яратиш, фан-техника ва бошқарув тараққиётини жадаллаштириш, жаҳон иқтисодийнинг глобализациялашуви объектив

---

<sup>6</sup>[Нестерова А.Д. Государственное регулирование экономики. - Калининград, 1997. С. 43.](#)

талабларига мослашувни оширишга ёрдам беради.

Агар бозор қисқа муддатли даврда ресурсларни жойлаштиришда самарали бўлса, ўрта ва узоқ муддатли даврларда иқтисодий муаммоларни ҳал этишда самарали эканлиги оқланмаган. Айнан шундай ҳолларда саноат соҳасидаги сиёсат бозорни тўлдирувчи сифатида қатнашиши мумкин.

1-жадвал

*Саноат соҳасидаги сиёсат шакллари*

Ҳимояланувчи	Мавжуд саноат тузилмасини сақлаш, бандликни қўллаб-қувватлаш, миллий ишлаб чиқарувчиларни чет эл фирмалари рақобатидан ҳимоялашга мўлжалланган
Мослашувчи	Саноат тузилишини талаб тузилитишдаги юз берган силжишлар ва жаҳон бозоридаги рақобатнинг ўзгарган шартларига мослашишига йўналтирилган
Ташаббускорлик	Давлат мамлакат саноатининг тузилиши ва ривожланишидаги муайян ва келгусидаги устуворликларига асосланган ҳолда саноат ривожланишига фаол таъсир кўрсатади.

Давлатнинг саноат соҳасидаги сиёсатини асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- бозор механизмлари самарадорлигини ошириш бўйича давлат чоратадбирлари;
- давлатнинг ишлаб чиқаришни тармоқ тузилишига таъсири;
- давлатнинг инвестиция жараёнларини рағбатлантириш бўйича воситалари;
- саноат ишлаб чиқаришининг рақобатбардошлигини таъминлаш.

Саноат соҳасидаги сиёсатни давлатнинг саноат ривожланишига таъсир этувчи воситаси ва қуроли сифатида қуйидагича синфларга ажратиш мумкин:

Саноат соҳасидаги сиёсатнинг мақсади мамлакат динамик ривожланишини, миллий ишлаб чиқарувчилар фаровонлиги ва рақобатбардошлиги ўсишини

таъминлаш ҳисобланади. Бу мақсадга товар ва хизматларни самарали ишлаб чиқариш ҳамда ташқи бозорларда муайян барқарор вазиятни эгаллаш билан боғлиқ вазифаларни бажариш йўли билан эришилади.

Саноат соҳасидаги сиёсатни кўплаб субъектлари мавжуд бўлиб, уларнинг манфаатлари, мақсадлари ва ҳаракат доиралари турличадир. Бундай субъектлар жумласига йирик уюшмалар, банклар ва бошқа молия муассасалари, давлат бошқаруви тузилмалари, ҳудудий ҳокимиятлар, кластерлар киради.

Кластер методологияси асосида инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқариш рақобатбардош корхоналар тизимини шакллантиришга имкон беради ва уларни ривожланишига замин яратади.

Кластернинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

1. Кластер иштирокчиларининг фаолияти - унинг бошқарув органи томонидан мувофиқлаштирилади, бу эса консенсус асосида ҳаракат қилиш ва харажатларни самарадорлигини таъминлайди.

2. Бизнес таваккалчиликда иштирок этувчилар ўртасида муҳокама қилинади ва уни иштирокчилар ўртасида бошқариш енгиллашади.

3. Янги маҳсулотни бозори ва бозорга кириш стратегияси биргаликда қулай ва самарали бўлади.

4. Кластер иштирокчилари маълум даражада биргаликда, пропорционал наф кўради. Даромадни тақсимланиши ҳам тартибга солиниши мумкин.

5. Кластерни самарали фаолияти билан иштирокчиларнинг ички ва ташқи бозордаги рақобатбардошлиги ошади ва мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига замин яратилади.

6. Кластер иштирокчиларининг манфатларини ҳимоя қилиш енгиллашади. Улар ўзларининг иқтисодий манфатларини судда ҳимоя қилишлари мумкин, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга маълум ўзгартиришлар киритишлари мумкин.

Бизга маълумки саноат корхоналари ижтимоий-иқтисодий категория, объектив реалликнинг инъикоси ва юксак умумлашмаси ҳисобланган саноат соҳасида фаолият юритадилар. Бундай корхоналарнинг бир тармоққа бирлашуви саноатни ижтимоий ишлаб чиқаришнинг алоҳида соҳаси бўлиб юзага келишига

сабаб бўлди.

Саноат корхоналари моддий неъматларни ишлаб чиқаришнинг асосий ва етакчи бўғинидир. Саноат корхоналарининг вужудга келиши ва ривожланиши ишчилар сонининг ошиши ҳамда уларнинг жамиятдаги маъқеи кўтарилишига олиб келади.

Саноат корхоналари— мамлакат муҳофаа қобилиятининг моддий асоси, эл-юртда тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг муҳим омили, кўшни мамлакатлар мустақиллигини, ҳамкорлиги ва бирдамлигини таъминловчи муҳим субъектлардир.

Саноат корхоналари, айниқса, оғир саноат корхоналари— бутун ижтимоий ишлаб чиқаришни идустрлаштириш муаммоларини ҳал этишда муҳим роль ўйнайди. Шу сабабли жамиятнинг моддий-техника асосини қайтадан куриш ишини саноат корхоналарини ривожлантиришдан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Саноат корхоналари ҳар бир мамлакатнинг, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий қудрати, халқ фаровонлигини янада оширишнинг пойдевори ҳисобланади.

Меҳнатни ижтимоий ташкил этишнинг энг олий тури — концентрациянинг юқори даражаси билан кичик бизнес ва тадбиркорликни уйғунлаштириш асосида ижтимоий ишлаб чиқаришни уюштиришнинг илғор усуллари— ихтисослаштириш, кооперативлаштириш ва маҳаллийлаштириш ҳам саноат соҳасида ва саноат корхоналари фаолиятида ҳукмронлик қилади ҳамда яхши самаралар беради.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришни таъминловчи буюк ҳаракатлантирувчи куч — рақобат ҳам саноат корхоналари ўртасида ривож топади. Илғор техника ва технологиялардан фойдаланиш, материалларнинг янги турларини яратиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришдаги маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини юқори даражага кўтариш, ишлаб чиқаришнинг бошқа бир қатор техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш асосида унинг самарадорлигини кўтариш учун ҳаракат ва бошқа меҳнат анъаналари ҳам аввало, саноат корхоналарида вужудга келади.

Мустақилликнинг афзалликлари ва давлатнинг иқтисодий сиёсати саноат соҳаси ва бу соҳадаги корхоналарнинг етакчи ўрнини янада оширмоқда. Ислохотларнинг асосий йўналишлари ва уларнинг ечимини топиш даставвал саноат соҳасида амалга оширилмоқда ва яхши самара бермоқда.

Иқтисодиётнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлашда келгуси давр учун пухта ва ҳар томонлама асосланган чора-тадбирлар, муҳим вазифа ва йўналишлар, турли даражалардаги иқтисодий тараққиёт дастурларнинг ишлаб чиқиши ва аниқ белгилаб олиниши муваффақият гарови ҳисобланади. Айни пайтда, босиб ўтилган йўл – олдинги даврдаги эришилган ютуқ ва натижаларни танқидий баҳолаш орқали тегишли хулосалар чиқариш, улар асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини янада такомиллаштириб бориш ҳам муҳим принципиал аҳамият касб этади.

Ушбу қоида айниқса ҳозирги шароитда янада долзарб бўлиб бормоқда.

Шу ўринда мазкур масалаларни оқилона амалга оширишда миллий иқтисодиётнинг таянчи ҳисобланган саноат корхоналари муҳим ўрин тутди. Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини тўғри ташкил этилиши ушбу корхонанинг муваффақиятини белгилаб беради, шу сабабдан ҳам мазкур масалани ўрганишни саноат корхоналари тўғрисидаги маълумотлардан бошласак.

Саноат корхонаси бу - юридик шахс мақомига эга, мустақил равишда хўжалик фаолияти юритувчи субъектдир.

Саноат корхоналарнинг фаолияти миллий иқтисодиёт ва унинг тармоқларига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Корхоналар қанчалик яхши, самарали ва рентабелли ишласа, бутун иқтисодиётнинг, жумладан, уларнинг ўзларининг ҳам кўрсаткичлари юқори бўлади. Ўзбекистон саноатида кўплаб кичик ва йирик ишлаб чиқариш корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улар иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларини қамраб олган. Улар ўз фаолиятида ишлаб чиқаришнинг барча омилларидан - ер, табиий ва меҳнат ресурслари, техника ва технологиялар, инвестициялар, ҳозирги замон фани томонидан ишлаб чиқаришнинг асоси ёки мамлакатнинг миллий бойлиги деб аталувчи замонавий

ахборот тизимидан фойдаланади.

Саноат корхоналари ҳам бошқа ҳар қандай корхона каби ишлаб-чиқариш ва техника муносабатларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ва турлари, уларни тайёрлаш технологиясига миқдор ва сифат жиҳатидан мос келувчи машиналар тизими деб тавсифлаш мумкин. Ижтимоий муносабатларда эса саноат корхонаси турли категориядаги ходимлар ўртасида уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари асосида юзага келувчи муносабатлардир. Саноат корхонаси ташкилий-ҳуқуқий муносабатларда ҳуқуқий шахс сифатида фаолият юритса, молиявий-иқтисодий муносабатларда тармоқнинг мустақил бўғини бўлиб, ўз-ўзини молия билан таъминлаш, ўз-ўзини бошқариш, яъни бозор муносабатлари тамойилларида фаолият юритади.

Саноат корхонаси ҳам корхоналарга хос бўлган хусусиятларга эга:

биринчидан, ҳар қандай корхона каби ўзига тегишли ва хўжалик бошқарувидаги хусусий мулкка эга бўлиб, ушбу мулк унинг фаолияти моддий-техникавий имкониятларини, иқтисодий мустақиллиги ва ишончилигини таъминлайди;

иккинчидан, ҳар қандай корхона каби кредиторлар, жумладан, давлат билан ўзаро муносабатлардаги мажбуриятлар юзасидан ўз мулки билан жавоб бериш хусусиятига эга бўлади;

учинчидан, ҳар қандай корхона каби хўжалик айланмасида ўз номидан ҳаракат қилиши мумкин, яъни қонунга асосан хўжалик фаолияти юритувчи ҳамкорлар, маҳсулот (иш, хизмат) истеъмолчилари, хом ашё ва асбоб-ускуна етказиб берувчилар ҳамда бошқа ҳуқуқий ва жисмоний шахслар билан шартнома тузиш ҳуқуқига эга;

тўртинчидан, саноат корхонаси қонунчиликка асосан судда даъвогар ва жавобгар сифатида қатнашиш ҳуқуқига эга;

бешинчидан, саноат корхонаси мустақил баланс ёки сметага эга бўлиб, ишлаб чиқариш ва маҳсулот савдоси харажатларини ҳисобга олиб боради ҳамда давлат органлари томонидан белгиланган тартибда ўз вақтида ҳисоботларни тақдим этади;

олтинчидан, саноат корхонаси ўз фирма номига эга бўлиб, унда саноат корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўз аксини топади.

Фирма номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига кўра, фирма номи юридик шахс бўлган тижорат ташкилотининг индивидуал номи бўлиб, унга доир мутлак ҳуқуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтда юзага келади<sup>7</sup>.

Ҳар бир саноат корхонасининг фаолияти ишлаб чиқариш, қайта ишлаб чиқариш ва муомала жараёнларидан иборат бўлади. Саноат корхонасининг ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолияти - янги маҳсулотни ишлаб чиқаришга тайёрлаш ва ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришда намоён бўлади. Қайта ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолияти - ишчи кучини ёллаш, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ишлаб чиқариш воситаларини янгилаш ва кенгайтириш жараёнларида акс этади. Муомала соҳасидаги фаолияти эса ишлаб чиқаришнинг моддий-техника таъминотини ташкиллаштириш, маҳсулотларни сотиш ва фойдаланилган ишлаб чиқариш воситаларининг даромад шаклида қайтиб келишида кўзга кўринади.

Саноат корхоналари ишлаб чиқаришининг ҳажмига биноан йирик ва кичик корхоналарга бўлинади. Улар бир-биридан ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг ҳажми, асосий фондларнинг киймати, ходимларнинг сони билан фарқланади.

Йирик ва кичик корхоналарни қуриш зарурияти Ўзбекистон Республикасининг моддий-техника базасини яратишда вақт омилининг аҳамияти ниҳоятда юқорилиги билан аниқланади.

Ҳар бир саноат корхонаси ўз афзалликлари ва камчиликлари бўйича бир биридан фарқланади.

Йирик саноат корхоналарининг афзалликларига қуйидагилар киради:

- юқори унумли техника ва илғор технологияни қўллаш ва ундан фойдаланиш имкониятларининг кўплиги;
- ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланиш;
- ходимлар меҳнат унумдорлигининг юқорилиги;
- саноатга ишлаб чиқариш самарадорлигини оширадиган энг янги фан-

---

<sup>7</sup> “Фирма номлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Халқ сўзи. – 2006. - 19 сентябр.

техника ютуқларини ўзлаштиришга таъсир кўрсатадиган кувватли конструкторлик, технологик ва илмий-тадқиқот лабораториялари, бюрларини ташкил этиш имкониятлари;

- шартли-доимий харажатларнинг камлиги;
- маҳсулот бирлигига тўғри келадиган асосий ва ёрдамчи хизмат кўрсатиш харажатларининг пастлиги.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида кичик корхоналарнинг ўрни ва роли жуда катта аҳамиятга эга. Шу сабабли мустақиллик йилларида кичик бизнеснинг ривожланишига алоҳида эътибор берилди.


Кичик саноат корхоналарининг афзалликларига қуйидагилар киради:

- мослашувчанлик ва инновацияларнинг юқори даражаси, ўзгарувчан бозор талабига тез мослашувчанлик қобилияти;

- ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга бўлган юқори интилиш даражасини таъминлайди;

- иқтисодиётнинг барқарор ривожланишининг зарурий шarti бўлган фуқароларнинг тадбиркорлик нуқтаи назаридан ўзини ўзи рўёбга чиқаришига имкон беради;

- жамиятда ижтимоий-иқтисодий ҳолатнинг барқарорлашувигв имкон беради.



**3- расм. Саноат корхонасининг фаолияти жараёнлари<sup>8</sup>**

Йирик ва кичик саноат корхоналари оқилона ривожлантирилгандагина ижтимоий ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорлигига эришиш мумкин. Бу вазифани ҳал этиш ишлаб чиқаришни концентрациялаштиришга бевосита боғлиқдир. Бунинг учун саноат корхоналарининг оптимал йириклигини аниқлаш керак.

Оптимал йирикликдаги саноат корхоналари деб, техника тараққиётининг ҳозирги даврида маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва унинг истеъмолчиларга етказилишининг минимал даражадаги ижтимоий меҳнат харажатлари эвазига таъминлайдиган саноат корхоналарига айтилади. Оптимал йирикликдаги саноат корхоналари ўзаро боғланган йирик ва кичик ишлаб чиқаришларни ўз ичига

<sup>8</sup> Чизма маълумотлар асосида мустақил тузилган.

олиб, агар уларнинг ҳар бири оқилона ихтисослашган бўлса, йирик саноат корхоналарининг барча афзалликларини ўзида сақлаб қолади. Демак, келажакда Ўзбекистонда маданийлашган, тўлақонли, бозор иқтисодини яратиш, иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк микёсларини кенгайтириш жараёни йирик ва кичик саноат корхоналарни оқилона уйғунлаштиришни тақозо этади.

Саноат корхоналари фаолиятига меҳнат тақсимооти жараёнлари сезиларли таъсир кўрсатади. Саноатни концентрациялаштириш ва комбинациялаштириш ижтимоий меҳнатни йирик саноат корхоналарда мужассамлаштиришни ифодаласа, ихтисослаштириш, маҳаллийлаштириш ҳамда кооперативлаштириш эса, саноат тармоқлари корхоналари ўртасидаги меҳнат тақсимооти ва уларнинг ҳамкорлигини ифодалайди. Меҳнат тақсимоотининг ривожланиш даражаси ва уни умумлаштириш жамият ишлаб чиқариш кучлари ҳамда муносабатларининг такомиллашишида ўз аксини топади.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг бу шакллари мустақиллик туфайли ва миллий иқтисодиётни эркинлаштириш, модернизациялаш ва инновацион фаолиятни кучайтириш муносабати билан ўз моҳияти ва мазмунини, мақсад ва вазифаларини анчагина ўзгартирди. Айниқса, ишлаб чиқаришни концентрациялаштириш, кичик саноат корхоналарнинг пайдо бўлиши муносабати билан улар ўртасида уйғунлашув юзага келди.

Комбинациялаштириш - турли тармоқларга мансуб бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришни ёки жараёнларни бир саноат корхонаси миқёсида мужассамлаштиришдир.

Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш саноат корхоналарининг ишини энг рационал, оқилона ташкил этиш ҳисобланиб, бинолардан, жиҳоз ва асбоб-укуналардан, материаллардан бекаму-кўст фойдаланишда, фан ва техниканинг энг охириги ютуқларини жорий этишда, такомиллашган маҳсус машина ва ускуналарни қўллашда, меҳнат унумдорлигини оширишда, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш харажатларини тежашда катта самара келтиради.

Маҳаллийлаштириш эса – бу йирик ва кичик саноат корхоналарида асосий маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни мужассамлаштиришдир.

Кооперативлаштириш — маълум турдаги маҳсулотни ҳамкорликда тайёрлаш бўйича саноат корхоналарининг биргаликда фаолият кўрсатишидир. Кооперативлаштириш мураккаб маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришни тезлаштириш, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилаш билан боғлиқ бўлган муҳим вазифаларни ҳал этишга имконият яратади.

## **II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ВА БУ СОҲАДАГИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ**

### **2.1. Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида саноат соҳасидаги ўзгаришлар таҳлили**

Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида саноат

соҳасидаги ўзгаришлар муҳим аҳамиятга эгадир. Бизга маълумки саноат республикамизнинг миллий ишлаб чиқариш соҳасидаги асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. Саноат ўзининг қўшимча қиймат яратиши, аҳоли эҳтиёжини қондиришдаги ўрни ва юқори даражага эга бўлган ишлаб чиқариш соҳаси бўлганлиги сабабли бошқа соҳа ва тармоқлардан тубдан фарқ қилади. Саноат моддий ишлаб чиқаришнинг асосий ва етакчи тармоғи бўлиб, унинг ривожланиши миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатлар билан ривожланишига олиб келади ва қуйидаги афзалликлар билан ифодаланади.

Биринчидан, саноат моддий ишлаб чиқариш соҳасининг бирламчи тармоғи бўлиб, истеъмол товарлари бозори конъюнктурасини миллий ва жаҳон бозоридаги мавқеини таъминлайди. Натижада бозорлар истеъмол товарлари билан тўлади, аҳоли эҳтиёжлари қондирилади ва миллий иқтисодиётнинг пул айланиши даражасига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Иккинчидан, саноат қўшимча қиймат яратишга қаратилган иқтисодиётнинг улкан тармоғидир. Саноат соҳасида қазиб олинган барча ресурсларни қайта ишлаш, улардан янгидан-янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ассортимент ва номенклатуранинг кўпайиши ҳисобига диверсификациялашув жараёнлари такомиллашади. Бунга Президентимиз томонидан билдирилган қуйидаги фикрлар яққол далилдир: “2013 йилда саноат таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 78 фоиздан ортиғи айнан ана шу тармоқлар ҳиссасига тўғри келмоқда. 2013-йилда юқори технологияларга асосланган машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати 121 фоизга, қурилиш материаллари саноати 113,6 фоизга, йенгил саноат 113 фоизга ва озиқ-овқат саноати 109 фоизга ўсгани мисолида бунини яққол кўриш мумкин”<sup>9</sup>.

Учинчидан, саноат тармоғи йирик ишлаб чиқариш институти бўлиши билан биргаликда, аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш жойларини ташкил

---

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2013-йилнинг асосий яқунлари ва 2014-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2014 йил 18 январ.

этишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Сўнгги йилларда республикамиздаги жами меҳнат ресурсларининг қарийб 14 фоизи шу соҳада банд бўлган ишчи-ходимлар ҳисобланади. Саноат тармоғини иш билан бандликни оширишдаги яна бир муҳим хусусияти қайта ишлаш ва қўшимча қиймат яратишдаги фаоллиги ҳисобига юзага чиқади. Яъни, қайта ишловчи корхоналарнинг кўпайгани ва қўшимча қийматни ортгани сари саноатда ҳам банд бўлган ходимлар сони ортаверади. Бундан кўринадики, қўшимча қиймат ва қайта ишлашнинг ўсиши билан саноатда банд бўлган ходимлар сонининг ўзгариши ўртасида тўғри пропорционал боғлиқлик мавжуд.

Тўртинчидан, саноат жаҳон иқтисодиётида иштирок этаётган давлатлар ўртасидаги иқтисодий интеграция жараёнларини мувофиқлаштириш ва халқ хўжалиги тармоқлари ўртасидаги мувозанатни таъминлашга ёрдам беради. Натижада, барча мамлакатларнинг табиий, меҳнат ва молиявий ресурслари, фан-техниканинг барча ютуқларидан оқилона фойдаланиш имкониятлари юзага келади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги 2010 йил 21 декабрдаги ПҚ-1442-сонли қарорига асосан, 2011-2015 йиллар учун умумий қиймати 47,5 млрд.АҚШ доллари миқдорида 519 та лойиҳа тасдиқланди. Шу билан бирга, саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича қуйидаги 12 та тармоқ дастурларини амалга ошириш Ҳукумат даражасида белгилаб қўйилган:

1. Пахтани қайта ишлаш саноати (129,7 млн.доллар миқдоридаги 41 лойиҳа).
2. Тўқимачилик саноати (477,7 млн.доллар миқдоридаги 65 лойиҳа).
3. Ёғ-мой саноати (31,7 млн.доллар миқдоридаги 63 лойиҳа).
4. Кимё саноати (291,7 млн.доллар миқдоридаги 30 лойиҳа).
5. Автомобилсозлик саноати (255,1 млн.доллар миқдоридаги 26 лойиҳа).
6. Қурилиш материаллари саноати (343.1 млн.доллар миқдоридаги 36 лойиҳа).
7. «Ўзметкомбинат» (49 млн.доллар миқдоридаги 9 лойиҳа).
8. Фармацевтика саноати (26,5 млн.доллар миқдоридаги 45 лойиҳа).

9. Навоий ТМК (1068.0 млн.доллар миқдоридаги 29 лойиҳа).


10. Олмалик ТМК (798.0 млн.доллар миқдоридаги 15 лойиҳа).

11. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги (28 млн.доллар миқдоридаги 13 лойиҳа).

12. Темир йўллар (2724.0 млн.доллар миқдоридаги 23 лойиҳа).

Республикамизда, саноат ривожланиши ва халқ хўжалигининг энг етакчи тармоғига айланиши учун барча ресурс ва заҳираларимиз етарли. Бу борада бугунги кунда, илдам суръатлар билан ўсишда давом этаётган ёқилғи-энергетика, кимё саноати, озиқ-овқат ва енгил саноат, фармацевтика ва қоғоз-целлюлоза саноати ҳамда қора ва рангли металлургия, машинасозлик ва автомобилсозлик каби ўнлаб тармоқ ва юзлаб саноат соҳалари мамлакат иқтисодиётининг жаҳон бозоридаги ўрнини янада мустаҳкамланишига ўзининг улкан ҳиссасини кўшиб келмоқда. Айниқса, республикамиз мустақилликни қўлга киритганидан сўнг, аграр давлатдан эркин индустриал ривожланган давлатга ўтиш борасида амалга оширилган иқтисодий ва таркибий сиёсат тўла ўзини оқлади, дейишга барча асослар етарли. Буни сўнгги йилларда ялпи ички маҳсулот таркибида саноат ишлаб чиқариш соҳаси улушининг мунтазам ўсиб бораётганлигидан кўриш мумкин.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, агар 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноатнинг ҳиссаси атиги 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2010-2012 йилларда бу кўрсаткич 24 фоизни, 2013 йилда эса 24,2 фоизни ташкил этди.<sup>10</sup>



## ЯИМ таркибида саноат тармоғи улушининг ўзгариш динамикаси

### 4-расм. Ялпи ички маҳсулот таркибида саноат тармоғи улушининг 2000-2013 йиллардаги ўзгариши

Дарҳақиқат, ялпи ички маҳсулот таркибида саноат улушининг ўсиши саноат ишлаб чиқаришининг йилдан – йилга ўсиши ва мамлакат ялпи ички маҳсулотининг яратишдаги аҳамиятини ошиб бориши ҳисобига юз бермоқда. Бугунги кунда, ислоҳотларнинг асосий йўналишлари ва уларнинг ечимини топиш, даставвал саноат соҳасида амалга оширилмоқда ва яхши самара бермоқда.

2000 йилда саноат ишлаб чиқариш тармоғининг ўсиш даражаси олдинги йилга нисбатан 5,9 фоизга, 2005 йилда 7,2 фоизга, 2010 йилда 8,3 фоизга ўсган, бироқ 2011 йилда эса саноатнинг ўсиш даражаси бироз пасайиб ўсиш суръати 6,4 фоизни ташкил этди, 2012 йилда эса 7,7 фоизга кўтарилди. Бундан кўринадики, 2010-2012 йилларда ўсиш даражасининг нотекислигига жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ўзининг салбий таъсирини кўрсатган. Лекин шундай бўлсада, республикада глобал инқирозга қарши ташкил этилган чора-тадбирлар саноат тармоғининг барқарор ўсиш даражасини такомиллаштиришга олиб келди ва 2013 йилда 8,8 фоизлик ўсиш суръатига эришилди.

2-жадвал

### Республикада 2000-2013 йилларда саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати (ўтган йилга нисбатан фоиз ҳисобида)<sup>11</sup>

Кўрсаткич	Ўсиш суръати
-----------	--------------

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасидан олинган маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган

	2000 йил	2005 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил
Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш	105,9	107,2	108,3	106,4	107,7	108,8

Бунга экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш, мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари ва хизмат кўрсатувчилари маҳсулотларига ички талабни ноинфляциявий рағбатлантириш, иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида ресурс базасини кенгайтириш ва инвестицион фаолликнинг ўсишини таъминлаш, электр энергияси соҳасини модернизация қилиш, энергия сиғимини қисқартириш ва энергияни тежаш тизимини жорий этиш, кичик бизнес ривожланишини қўллаб-қувватлашни кучайтириш, аҳоли бандлиги ва янги иш ўринларини ташкил этишга қўмаклашиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар сабаб бўлди. Шу билан бирга, юртимизда қабул қилинган 2011-2015-йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида саноат таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бориши ҳамда 2013-йилда юқори технологияларга асосланган машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноатини 121 фоизга, қурилиш материаллари саноатини 113,6 фоизга, енгил саноатни 113 фоизга ва озиқ-овқат саноатини 109 фоизга ўсгани яққол таъсир кўрсатди.

Республикада саноат тармоғини келгусида янада ривожлантириш, ижтимоий меҳнат тақсимоти ҳамда ишлаб чиқаришни чуқур ихтисослашуви принципларига амал қилиниш даражасига боғлиқ бўлади.

Чунки, бугунги миллий бозоримиз ҳам жаҳон бозори каби сифатли, арзон ва қулай истеъмол товарларига бўлган талаб асосида шаклланиб бормоқда. Бунга бозордаги рақобат ва истеъмолчилар онгининг маданийлашганлик даражасининг ортиб бориши сабаб бўлмоқда. Шунинг учун саноат тармоғини таркибий

жиҳатдан ўрганиш, таҳлил қилиш ва саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш учун энг самарали тармоқларга алоҳида урғу бериш лозимдир. (3-жадвал).

Бугунги кунда, республикамиз саноат тармоғини улушлар асосида таҳлил қиладиган бўлсак, бу борада машинасозлик ва метални қайта ишлаш саноати етакчилик қилмоқда. Мазкур соҳада жами саноатнинг 19,8 фоиз маҳсулоти ишлаб чиқарилади. Кейинги ўринда ёқилғи энергетикаси саноати туради. Уни ҳиссасига жами саноат маҳсулотларининг 17,6 фоизи тўғри келади. Бундан ташқари, озиқ-овқат саноати 13,2 фоиз, енгил саноат 13,0 фоиз, қора ва рангли металлургия 11,2 фоиз, электр энергияси 7,3 фоиз, қурилиш материаллари саноати жами саноат маҳсулотларига нисбатан 6,4 фоиз миқдорида маҳсулот ишлаб чиқаради. Саноатнинг бошқа соҳаларига жами 11,5 фоиз саноат маҳсулотлари улуши тўғри келади. 2010- 2013 йилларни мос равишда таққослаганда, саноат тармоғини деярли барча соҳаларида таркибий жиҳатдан сезиларли даражада ўзгаришлар рўй берган. Хусусан, машинасозлик ва метални қайта ишлаш саноати улуши 3,6 фоизга, қурилиш материаллари саноати улуши 1,4 фоизга, озиқ-овқат саноати улуши 0,6 фоизга, енгил саноат улуши 0,8 фоизга ортган бўлса, ёқилғи энергетика саноати улуши 2,1 фоизга, қора ва рангли металлургия саноати улуши 3,5 фоизга, электр энергияси улуши 1,1 фоизга камайган.

Маҳаллий хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш бўйича чоратadbирларнинг амалга оширилиши, 2013 йилда озиқ-овқат саноатида ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсишига имконият яратди ва ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 109,1 фоизни ташкил этди.

3-жадвал

**2010-2013 йилларда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш таркибининг ўзгариши, (фоиз ҳисобида)<sup>12</sup>**

Саноат тармоқлари	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил
-------------------	----------	----------	----------	----------

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасидан олинган маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган

Электр энергияси	8,4	8,3	7,9	7,3
Ёқилғи энергетикаси	19,7	19,1	18,3	17,6
Қора ва рангли металлургия	14,7	13,6	12,4	11,2
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	16,2	16,6	17,0	19,8
Қурилиш материаллари	5,0	5,1	5,3	6,4
Озиқ-овқат саноати	12,6	13,3	14,0	13,2
Енгил саноат	12,2	12,5	12,9	13,0
Бошқалар	11,2	11,5	12,2	11,5
Жами саноат маҳсулотлари	100	100	100	100

Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноатида ишлаб чиқарилган жами маҳсулотнинг умумий саноат маҳсулот ҳажмидаги улуши 2012 йилга нисбатан 2,3 фоиз пунктига кўпдир.

Рақобатбардошликни ошириш ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва технологик янгилаш бўйича лойиҳаларни амалга оширилишини жадаллаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, қурилиш материаллари саноатида ишлаб чиқариш ҳажмларининг 2012 йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсишини таъминлади.

2013 йил давомида енгил саноат соҳасини жадал ривожлантириш давом эттирилди. Тармоқнинг жами саноат ҳажмидаги улуши 13,0 фоизни ташкил этди.

Мамлакат миқёсида саноат ривожланиши ҳудудларнинг иқтисодий географик жойлашуви, меҳнат ресурслари малакасининг даражаси, ҳудудларда саноат тармоқлари жойлашуви ва кооперацияси каби кўплаб омиллар билан ифодаланади.

Республикада саноат тармоғини янада такомиллаштириш учун, аввало, қуйидаги йўналишлардаги стратегик вазифаларни амалга ошириш зарур:

- мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш;
- бугунги кунда тўхтаб турган ишлаб чиқариш қувватларини тиклаш;
- корхоналарнинг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш даражасини ошириш;

- маънавий ва жисмоний эскирган асбоб-ускуналарда сифатсиз ва “омбор учун” маҳсулотлар ишлаб чиқаришни олдини олиш мақсадида янги моддий-техника базасини барпо этиш;

- янги ташкил этилаётган корхоналар фаолияти учун қулай шароитлар яратиш;

- саноат тармоғи ривожланишида кичик корхоналар сонини янада кўпайтириш ва уларни ташкил этиш чора-тадбирларини рағбатлантириш.

Саноат тармоғидаги муаммоларнинг бартараф этилиши мамлакат иқтисодиётини бундан юқори чўққиларни забт этиши учун бирламчи омил бўлиб хизмат қилади.

## **2.2. Саноат соҳасидаги корхоналар ва тадбиркорлик субъектлари фаолияти таҳлили**

Ўтказилган тадқиқотларга кўра, бугунги кунда, саноат тармоғини барқарор суръатлар билан ўсиб бораётганлигига қарамай, саноат корхоналарида бир қатор ички муаммолар мавжуд бўлиб, мазкур ҳолат саноат корхоналарини стратегик ривожлантириш вазифаларини амалга оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Булар қуйидагилардан иборат:

- маҳаллий хомашёларнинг етишмаслиги натижасида хориждан импорт қилиниши;

- саноат корхоналарида молиявий ресурсларнинг самарали бошқаруви тўғри йўлга қўйилмаганлиги оқибатида тўла қувват билан ишламаслиги;

- банкдан олинган хорижий валютадаги кредитлар учун фоиз тўловлари валюта курсларининг ошиб кетиши ҳисобига ортиши ва валюта курсидаги фарқлардан зиён кўриш;

- дебиторлик қарзлари ўз муддатида ундирилмаслиги, тузилган шартномаларнинг бажарилишини тўлиқ назоратга олмаслик, менежмент ишлари яхши йўлга қўйилмаганлиги;

- мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаганлик ва айланма маблағларнинг етишмаслиги;

- саноат корхоналарида фойдаланилаётган ишлаб чиқариш воситаларининг жисмоний ва маънавий эскирганлиги натижасида, уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархи ошиб кетиши ва сифати пастлиги;

- жаҳон бозорида саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга глобал инқироз оқибатида талаб пасайиб кетиши;

- бюджет ва бошқа тўловлар бўйича ўз вақтида тўланмаган кредиторлик қарзлари учун пеня ва жарималар ортиб бориши.

Баъзи ҳолатларда саноат корхоналарини барқарор ишламаслигига ташқи ва ички омиллар биргаликда таъсир кўрсатади ва мазкур муаммолар йирик саноат корхоналарида юзага келмоқда. Бундай салбий ҳолатларни бартараф этиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бирига айланиши лозим.

Саноат корхоналари ичида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳам мавжуд бўлиб, бу корхоналарнинг 2012 йилдаги иш фаолиятини қуйидагича баҳолаш мумкин. Мазкур корхоналар томонидан республика бўйича 18463 млрд.сўмлик саноат маҳсулоти яратилган ва 2011 йилга нисбатан ўсиш суръати 112,8 фоизни ташкил этган.

Шу ўринда бу корхоналарнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмидаги улушига эътибор қаратадиган бўлсак, бу корхоналар улуши саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг 36,4 фоизини ташкил этган. Бу кўрсаткич Андижон вилоятида 78,9 фоизни, Тошкент шаҳрида 63,2 фоизни, Самарқанд вилоятида 43,7 фоизни ташкил этган. Демак бундай шаклдаги саноат корхоналарининг аксарият қисми айнан шу ҳудудларда фаолият кўрсатади. Бошқа вилоятларда бу кўрсаткич умумреспублика даражасидан анча паст. Бунинг асосий сабаби мазкур ҳудудларнинг хорижий инвесторлар учун жозибадар эмаслигидир.

Қуйидаги жадвалда 2012 йилда республикадаги турли соҳадаги саноат корхоналари томонидан саноат маҳсулотини яратиш ва 2011-2012 йиллардаги ўсиш суръатлари келтирилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2012 йилда жами саноат корхоналари маҳсулоти 50730,6 млрд. сўмни ташкил этган ва бу кўрсаткич 2011

йилдагига нисбатан 7,7 фоиз кўпдир. Маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, корхоналарнинг молиявий барқарорлигини ошириш ва рақобат муҳитини шакллантириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши республика саноат корхоналарининг жадал ривожланиши учун замин яратди.

4-жадвал

**2012 йилда хорижий инвестициялар иштирокидаги саноат корхоналарининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши<sup>13</sup>**

Худудлар номи	Саноат маҳсулотлари		
	млрд.сўм	Ўсиш суръати, фоизда	Умумий ҳажмда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар улуши, фоизда
Республика бўйича	18463,0	112,8	36,4
Қорақалпоғистон Республикаси	34,3	98,3	5,2
вилоятлар:			
Андижон	4967,8	109,7	78,9
Бухоро	227,6	125,2	11,1
Жиззах	53,2	94,7	8,6
Қашқадарё	1785,6	90,6	33,6
Навоий	149,1	158,8	3,0
Наманган	294,7	96,4	22,9
Самарқанд	1125,7	115,5	43,7
Сурхондарё	164,3	112,9	18,3
Сирдарё	150,7	125,0	22,6
Тошкент	1683,9	112,5	26,7
Фарғона	754,0	115,8	20,4
Хоразм	146,6	100,8	18,4
Тошкент шаҳри	6764,8	119,2	63,2

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасидан олинган маълумотлари

2013 йилда, машинасозлик корхоналари томонидан 12079,5 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 121,1 фоизни ташкил этди. Ҳисобот даврида, ўтган йилга нисбатан, ёғ-мой саноати корхоналари томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми – 16,8 фоизга, гўшт-сут саноатида – 9,2 фоизга, мева-сабзавот саноатида – 8,9 фоизга ошди.

2012 йилга нисбатан, озиқ-овқат соҳасидаги йирик саноат корхоналари томонидан истеъмол молларининг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ошди.

Ўтган йилга нисбатан қуйидаги истеъмол молларининг баъзи турлари бўйича жумладан пишлоқ (брынзани қўшган ҳолда) – 4,0 мартага, сариеғ – 21,3 фоизга, ўсимлик ёғи – 11,2 фоизга, шакар – 10,3 фоизга, сут ва сут маҳсулотлари – 9,6 фоизга, нон ва нон маҳсулотлари – 7,6 фоизга, хўжалик совуни – 5,8 фоизга, макарон маҳсулотлари – 4,2 фоизга ошган. Шунингдек, ўтган йилга нисбатан, истеъмол спирти 107,8 фоиз, коньяк 118,3фоиз, ароқ ва ликер-ароқ маҳсулотлари 105,8 фоиз, пиво 104,9 фоиз ишлаб чиқариш ҳажми ошди.

Ўтган йилда автомобилсозлик саноати корхоналари томонидан 251342 дона автомобиллар ишлаб чиқарилди ва бу ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичга нисбатан 4,8 фоизга кўпдир, шу жумладан юк ташиш автомобиллари ишлаб чиқариш 36,9 фоизга, енгил автомобиллар (махсус автомобилларсиз) – 4,5 фоизга, автобуслар ишлаб чиқариш – 3,3 фоизга ўсди.

2012 йилга нисбатан, автомобил двигателлари 4,4 мартага, кузовлар 2,7 мартага, автомобил ғилдирак дискалари 34,4 фоизга, автомобил прицеплари ва яримприцеплар 17,4 фоизга ишлаб чиқариш ҳажми ошди.

Ўтган йилга нисбатан қишлоқ хўжалик техникаларини ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиши қайд этилди: йиғиштириб олувчи пресс-машиналар – 3,0 мартага, бороналар – 2,1 мартага, тракторлар – 63,7 фоизга, ғалла ўриб-йиғадиган машиналар – 36,5 фоизга, культиваторлар – 23,1 фоизга, трактор прицеплари ишлаб чиқариш – 9,3 фоизга ўсган.

**Республикада 2012 йилда саноат тармоқларидаги корхоналар  
томонидан яратилган саноат маҳсулотлари ва уларни ишлаб чиқаришнинг  
ўсиш суръатлари<sup>14</sup>**

Саноат тармоқлари	2012 йилда ишлаб чиқарилган саноат корхоналари маҳсулоти миқдори, млрд. сўм	Ўсиш суръати, аввалги йилга нисбатан, фоизда	
		2011 йил	2012 йил
Жами саноат корхоналари маҳсулоти	50730,6	106,4	107,7
Электроэнергетика саноати корхоналари	4007,3	101,1	102,4
Ёқилғи саноати корхоналари	9294,8	100,7	106,2
қора металлургия саноати корхоналари	1240,2	105,8	103,6
рангли металлургия саноати корхоналари	5065,5	102,5	102,6
Кимё ва нефт кимёси саноати корхоналари	2670,8	110,4	106,4
Машинасозлик ва метални қайта ишловчи саноат корхоналари	8627,9	112,7	112,4
Ёғочни қайта ишловчи ва целлюлоза-қоғоз саноати корхоналари	589,8	112,2	104,6
Қурилиш материаллари саноати корхоналари	2719,2	110,9	111,0
Енгил саноат корхоналари	6529,0	104,0	112,0
Озиқ-овқат саноати корхоналари	7087,9	113,5	106,5
Бошқа саноат корхоналари	2898,2	113,7	109,8

Шу билан бирга, 2013 йилда электротехника маҳсулотларининг огоҳлантириш-ҳимоя кабеллари каби турларини ишлаб чиқариш ҳажми ошди. Хусусан, 2012 йилга нисбатан 49,8 фоизга, радиочастотали сим ва кабеллар 38,4 фоизга, шаҳар телефон алоқаси кабеллари 27,2 фоизга, бронекабель 19,1фоизга, маиший ўтказгичлар 16,4 фоизга, қобикли симлар 5,3 фоизга кўпайиши

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасидан олинган маълумотлари

кузатилди.

Бундан ташқари, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан истеъмол товарларининг қуйидаги турлари, яъни ясси панел телевизорлар ишлаб чиқариш – 3,6 мартага, энергия тежамли лампалар – 82,8 фоизга, кир ювиш машиналари – 31,9 фоизга, болалар учун велосипедлар ишлаб чиқариш – 20,9 фоизга ўсди.

Тармоқ корхоналари томонидан 2013 йилда 3940,7 млрд сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 13,6 фоизга кўпайган.

Республиканинг йирик қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари томонидан, 2012 йилга нисбатан қатор маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ҳажмларининг оширилишига эришилди, жумладан юмшоқ том ёпиш материаллари ва изол ишлаб чиқариш – 1,7 мартага, қуруқ қурилиш аралашмалари – 1,5 мартага, сендвич панеллар – 1,4 мартага, деворларни ички қоплаш учун керамик плиталар – 1,3 мартага, гипс – 1,3 мартага, йиғма темир-бетон конструкциялари – 5,8 фоизга, цемент ишлаб чиқариш ҳажми – 3,1 фоизга ошди.

Шунингдек, қайд этилган қурилиш материаллари билан бир қаторда, монтаж кўпиги ишлаб чиқариш – 2,8 мартага, харсангтош – 1,7 мартага, шағал – 1,4 мартага, асфалтбетон – 1,4 мартага, бойитилган каолин – 1,4 мартага, товар бетон – 1,3 мартага, оҳактош – 1,3 мартага, гипсли тош ишлаб чиқариш – 1,2 мартага ўсган.

Енгил саноат корхоналари томонидан 7955,5 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ёки ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 113,2 фоизни ташкил этди. Ҳисобот даврида, республика тўқимачилик саноати корхоналари томонидан 6680,8 млрд. сўмлик, яъни 2012 йилга нисбатан 111,2 фоиз, шу билан бирга пахта тозалаш саноатида – 105,6 фоиз, ип-газлама саноатида – 114,3 фоиз, трикотаж саноатида – 131,8 фоиз, тикувчилик саноати корхоналари томонидан 718,1 млрд.сўмлик, 2012 йилдагига нисбатан 123,8 фоиз, чарм-поябзал саноатида 422,5 млрд.сўмлик 2012 йилдагига нисбатан 120,3фоиз маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

2012 йилга нисбатан, енгил саноат тармоғидаги йирик корхоналар томонидан тайёр ип газламалар ишлаб чиқариш – 1,4 мартага, трикотаж полотно – 1,3 мартага, ип калавалар – 1,2 мартага, трикотаж маҳсулотлар – 7,4 фоизга, аралаш газламалар ишлаб чиқариш – 7,0 фоизга оширилди. Шунингдек, ўтган йилга нисбатан тўқимачилик атторлик буюмлари ишлаб чиқариш – 2,3 мартага, пойафзал ишлаб чиқариш учун материаллар – 1,9 мартага, ипак тола ипи – 1,4 мартага, чулки-пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш – 4,8 фоизга ўсди.

Сўнгги йилларда саноат корхоналари ичида кичик саноат корхоналарига республикада бўлаётган эътибор турли имтиёз, преференция ва дастурларда ўз аксини топмоқда. Бу борадаги стратегик вазифаларни янада жадаллаштириш эса миллий иқтисодиётимизнинг бундан кейинги даврларда ҳам барқарор ўсиш суръатларини таъминлаб беради.

Мамлакатимизда бизнесни юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни янада либераллаштириш, соддалаштириш ва арзонлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес субъектларининг республикада иқтисодиётидаги тутган ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида" 4455-сонли Фармонида ишбилармонлик муҳитининг ҳозирги ҳолати, бизнесни юритиш шарт-шароитлари эркин бозор иқтисодиёти талаблари ва тамойилларига, умумқабул қилинган халқаро меъёр ва стандартларга ҳали тўлиқ даражада мос келмаётганлиги, тадбиркорлик фаолиятини ортиқча регламентлар билан чеклаб қўйиш ҳоллари ҳали ҳам бартараф этилмаганлиги, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида катта, серхаражат, ноошкора маъмурий тартиб-таомиллар ҳамон амал қилиб келаётганлиги, бюрократик тўсиқ ва ғовларга барҳам берилмаганлиги таъкидлаб ўтилди.<sup>15</sup>

Ҳозирги халқаро амалиётда қабул қилинганидек, регламентга солувчи

---

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида" 4455-сонли Фармони

тартиб-таомилларни янада соддалаштириш, арзонлаштириш ва қисқартириш, давлат ва назорат қилувчи органлар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бевосита мулоқотсиз электрон шакллари хамма жойда кенг татбиқ этиш талаб қилинади.

Ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш, саноат корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ тартиб-таомилларнинг барча турларини қисқартириш, соддалаштириш ва очик - ойдинлик даражасини ошириш, бу соҳада бизнесни юритиш шарт-шароитларини баҳолаш мезонларининг жаҳон амалиётида хамма томонидан қабул қилинган тизимини жорий этиш ва шу асосда мамлакатимиз ишбилармонлик ва инвестиция муҳити даражасининг халқаро рейтингини янада ошириш лозим.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ички бозорни сифатли товарлар билан таъминлаш, экспорт таркибида юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни кўпайтириш, замонавий хизмат кўрсатиш, янги иш ўринларини яратишда мамлакатимиз иқтисодиётида етакчи кучга ва муҳим бўғинга айланиб бормоқда.

Мазкур соҳанинг иқтисодиётнинг етакчи бўғинига айланишида мамлакатимиз Ҳукумати томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, бизнесни юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни янада либераллаштириш, соддалаштириш ва арзонлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳим роль ўйнамоқда.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар умумий ҳажмидаги улуши барқарор равишда ўсиб бормоқда.

Хусусан, 2013 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 55,8 фоизи, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, маҳсулот экспортининг 18,0

фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари хиссасига тўғри келди. Шу билан бирга, иқтисодиётда жами иш билан банд бўлган аҳолининг 75,0 фоизи шу соҳада фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларининг сони 2013 йилда 26 мингдан зиёдга ўсиб, 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 190,0 мингтага (*деҳқон ва фермер хўжаликларини ҳисобга олмаган ҳолда*) етди.

Энди масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Покиза туз савдо” корхонаси фаолиятини кўриб чиқамиз. Мазкур корхона юридик шахс ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонуни, таъсис шартномаси ва ушбу жамият Устави асосида фаолият юритади. Масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Покиза туз савдо” корхонаси 2010 йил ташкил этилган бўлиб, унинг асосий фаолият доираси халқ хўжалиги ва аҳолини халқ истеъмол молларига, ишлаб чиқариш маҳсулотларига ва турли фаолият соҳаларида хизматларга эҳтиёжларини қондириш ҳисобланади.<sup>16</sup>

Корхона эллиқдан ортиқ фаолият турлари билан шуғулланиб, улардан энг асосийлари туз, қандолат маҳсулотлари, нон ва нон маҳсулотлари, макорон маҳсулотлари, трикотаж, тўқимачилик ва тикувчилик маҳсулотлари, оёқ кийимлари, спорт анжомлари, халқ истеъмол моллари ва техник ишлаб чиқариш йўналишидаги маҳсулотлар, полипропилен, полиэтелен ва полистрол, шунингдек улардан тайёрланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш, полипропилен, полиэтелен ва полистрол ярим маҳсулотларини, иккиламчи ресурсларни ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини йиғиш, қайта ишлаш, тайёрлаш ва сотиш, маиший кимё, ювувчи ва тозаловчи воситаларни ишлаб чиқариш ва бошқа шу кабилардир.

Мазкур корхонанинг устав фонди 126 млн. 814 минг 868 сўмдан иборат бўлиб, иштирокчиларнинг устав фондидаги улушлари энг катта улуш 68,46 фоизи тегишли, қолганларда эса 23,66 фоиз ҳамда икки киши 3,94 фоиздан

---

<sup>16</sup> Масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Покиза туз савдо” корхонасининг Устави

улушга эга.

Жадвал маълумотларидан шуни кўриш мумкинки, 2012 йилда соф тушум таркибида сотилган маҳсулотларнинг таннархи 73,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда у 82,4 фоизни ташкил этган. Шу сабабли ҳам маҳсулотларни сотишнинг ялпи фойдаси мос равишда 26,2 фоиздан 17,6 фоизга пасайган.

Корхонанинг маъмурий харажатлари ушбу йилларда соф тушумнинг 9,8 фоизи даражасидан 5,2 фоизгача тушди. Бироқ бошқа операцион харажатларнинг соф тушумдаги улуши шу даврда 0,8 фоиздан 2,3 фоизгача кўтарилди. Оқибатда асосий фаолиятнинг фойдаси улуши 2012 йилда 11,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда бу улуш бор-йўғи 9,8 фоизни ташкил этди.

Энди мазкур корхона фаолиятининг молиявий фаолиятига эътибор қаратсак, бу фаолият фақат 2013 йилда амалга оширилган бўлиб, асосий ва молиявий фаолият натижасига кўра корхона соф фойдасининг корхона соф тушумидаги улуши 2012 йилдаги 5,6 фоиз даражасидан 2013 йилда 3,4 фоизгача пасайди.

6-жадвал

**2012-2013 йилда масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Покиза туз савдо” маҳсулотларини сотишдан соф тушуми таркиби<sup>17</sup>**

Кўрсаткичлар номи	2012 йил	Жамига нисбатан	2013 йил,	Жамига нисбатан
	минг сўмда	фоизда	минг сўмда	фоизда
Маҳсулотларни сотишдан соф тушум	257162,2	100	481072,1	100
Сотилган маҳсулотларнинг таннархи	189745,8	73,8	396630,3	82,4
Маҳсулотларни сотишнинг ялпи фойдаси	67416,4	26,2	84441,2	17,6
Маъмурий харажатлар	25263,9	9,8	24965,9	5,2
Бошқа операцион харажатлар	2252,4	0,8	12753,6	2,3

<sup>17</sup> Масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Покиза туз савдо” маълумотлари асосида тузилган

Асосий фаолиятнинг фойдаси	29855,1	11,6	47322,3	9,8
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами	-	-	54000	11,2
Дивидендлар шаклидаги даромадлар	-	-	54000	11,2
Молиявий фаолият бўйича харажатлар, жами	-	-	60980	12,7
шу жумладан, фоизлар шаклидаги харажатлар (дивидендлар)	-	-	54000	11,2
Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	-	-	6980,4	1,5
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси	-	-	40341,9	8,4
Фойда солиғи тўлангунга қадар фойда	29855,1	11,6	40341,9	8,4
Фойдадан бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар	15428,7	6	24205,1	5
Соф фойда	14425,4	5,6	16136,8	3,4

### **III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

#### **3.1. Ўзбекистон иқтисодиётида саноат корхоналарининг ролини ошириш йўллари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» номли маърузасида, - мамлакатимиз иқтисодиётида рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини

тезлаштириш вазифасига устуворлик берилиши, бу борада, биринчи навбатда, маҳаллий хомашё ва материаллар асосида саноат кооперацияси ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш тизимини янада ривожлантиришга оид ишларни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Истеъмол бозоридаги конъюнктура анъаналарига эътибор берадиган бўлсак, тайёр маҳсулотларга бўлган талаб юқориликча қолмоқда. Демак, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи саноат корхоналарининг биринчи галдаги вазифалари бозор конъюнктурасига тезкор жавоб чораларини ишлаб чиқиш, яъни корхоналар, цехлардаги мавжуд техника ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиб, истеъмолчиларнинг рақобатбардош тайёр маҳсулотларга бўлган талабларини тўлароқ қондиришдан иборат бўлмоғи даркор. Шу ўринда 2014 йилда мамлакатимизда устувор аҳамиятга эга бўлган вазифалар сифатида қуйидагилар қўйилган:

– иқтисодий ўстиришнинг барқарор юқори суръатларини таъминлаш бўйича қабул қилинган стратегияни давом эттириш, бунинг учун мавжуд резервлар ва имкониятларни сафарбар этиш;

– саноатда юқори технологияли ва замонавий бўлган энг муҳим объектлар ҳамда қувватларни ишга тушириш, инвестиция жараёнини ошириш ва такомиллаштириш;

– мамлакатда ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ва модернизациялашнинг, жаҳон бозорларига чиқишнинг асосий омили ҳисобланган тўлақонли рақобат муҳитини шакллантириш;

– ишбилармонлик муҳитини («бизнес билан шуғуллан» тамойили бўйича) шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янада рағбатлантириш.

2014 йилда республикаимизда ялпи ички маҳсулотнинг 8,1 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда. Иқтисодий ўсишнинг бундай юқори суръати мамлакатимизда саноат, қишлоқ хўжалиги, капитал қурилиш, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш тармоқларида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажмининг юқори суръатларда ошиши ҳамда экспорт ҳажмининг

кўпайиши ҳисобига таъминланади.

Жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмининг 6,0 фоизга ва чакана савдо айланмасининг 13,9 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда. Шунингдек, бозор хизматлари ҳажмининг 16,2 фоизга ошиши ҳисобига хизматлар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 55,0 фоизга етиши прогноз қилинмоқда.

Иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари иқтисодиётни таркибий жиҳатдан диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологик ишлаб чиқаришга асосланган янги корхоналарни барпо этиш ва фаолият юритаётган корхоналарни замонавий талаблар асосида модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ жойларда янги, замонавий инфратузилмага эга бўлган турай-жой массивларини барпо этиш, ижтимоий объектларни кенгайтириш ва реконструкция қилиш каби инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга йўналтириладиган капитал қўйилмалар реал ҳажмини ошириш ҳисобига эришилади.

Шунинг учун ҳам саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда саноат корхоналарининг ролини ошириш муҳимдир. Саноат корхоналари ролини оширишда муҳим шарт бу корхоналарда самарадорлик ва меҳнат унумдорлигини ошириш билан боғлиқдир.

Ҳозирда халқ истеъмол молларига бўлган эҳтиёжни қондириш учун ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш билан бир қаторда маҳсулот сифатини, унинг техник даражасини оширишни яхшилаш, пухталигини ошириш асосий вазифадир. Бунинг учун саноат корхоналарни бошқариш тузилмасини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва ривожлантириш, иш вақти, ишчи кучи ва ишлаб чиқаришнинг барча ресурсларидан оқилона фойдаланиш лозимдир.

Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва уни ошириш масаласи доимо долзарб муаммо бўлиб келган. Айниқса, кучли рақобатчилик шароитида бу масала янада кескинлашади. Чунки санао корхоналарининг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширмасдан туриб, рақобат курашидан омон чиқиш амру маҳол.

Шунингдек, рақобатчилик муҳити саноат корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш даражасига алоҳида талаб қўяди.

Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнининг барча соҳаларини қамраб олган ҳолда ишчиларнинг меҳнати натижаларини ўзида акс эттиради ва сарф-даромад кўринишида шаклланиб, корхонада ишлаб чиқаришни кенгайтириш, корхона ишчи ва ходимларининг моддий фаровонлигини ошириш орқали жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий юксалиши йўлида мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Самарадорликнинг иқтисодий мазмуни сифатида ҳар доим ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси билан унга сарфланган ресурслар, маблағлар ёки қилинган харажатлар ўртасидаги нисбат тушунилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришнинг асосий мақсади фойда олишга қаратилганлиги сабабли ҳар бир иқтисодий субъект кўпроқ фойда олишга интилади. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш самарадорлиги олинган фойданинг ишлаб чиқаришга сарфланган ресурс харажатлари нисбати билан аниқланади.

Бизга маълумки ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигига кўплаб омиллар таъсир кўрсатиб, улар ташкилий – иқтисодий, ижтимоий – иқтисодий ва бозор муҳити омиллари ҳисобланади.

Бозор муҳити омиллари саноат корхоналари учун янги омиллар бўлиб, улар бозор муносабатлари асосида пайдо бўлган. Бозор муҳити омиллари республикамизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичи ва келажак тараққиёти жараёнида асосий омиллар қаторидан жой олган. Бозор муҳити омиллари саноат корхоналарининг хоҳиш ва истакларидан ташқарида объектив равишда мавжуд бўлган фаол кучлар бўлиб, маҳсулотларга нисбатан шаклланадиган бозордаги талаб ва таклифлар ўз таъсирини ўтказди, шунингдек, корхонанинг молиявий натижалари шаклланиши жараёнига ўзининг ижобий ва салбий таъсирини ўтказди. Ушбу омиллар гуруҳи таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- бозордаги рақобатчилар;

- саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнида иштирок этувчи воситалар;

- саноат корхоналарининг бозордаги мижозлари;

- ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорлар, қонунлар;

- аҳолининг даромадлари даражаси ва миллий анъаналари ва ҳ.к.

Саноат корхоналари самарадорлигини оширишда меҳнат унумдорлигининг аҳамияти бениҳоя каттадир.

Саноат корхоналари маҳсулот ҳажмини муттасил ошириш ва шу асосда истеъмолчиларнинг турмуш фаровонлигини яхшилашда муҳим омил – меҳнат унумдорлигини бетўхтов оширишдир. Биз биламизки, меҳнат унумдорлиги - бу меҳнат харажатларининг самарадорлиги бўлиб, у вақт бирлигида ишчилар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги, ишлаб чиқаришга кетган иш вақти миқдори ва маҳсулот миқдорида ифодаланади, яъни меҳнат унумдорлиги маълум вақтда ишчилар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот сонидир.

Меҳнат унумдорлигини ўстириш учун унга сарфланган жонли меҳнатнинг қийматини камайтириш лозим, яъни ишлаб чиқаришда қатнашаётган ишчилардан оқилона фойдаланиш зарур бўлади. Бу ўз навбатида маҳсулот таннархининг камайишига ва фойданинг эса ўсишига олиб келади. Шундай қилиб, меҳнат унумдорлигини ошириш манбалари хилма-хил бўлиб, улар миллионлаб ишчиларнинг фаолияти билан бойиб боради. Уларни икки йўналиш бўйича гуруҳлаш мумкин.

Улардан бири – бу ишлаб чиқариш таркибини жадал ўзлаштириш, янги технологияни жорий этиш, бошқаришни такомиллаштириш ва ихтисослаштиришни ривожлантириш ва бошқариш.

Саноат корхоналарида меҳнат унумдорлигининг оширишнинг энг муҳим омилларидан ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва тизимини ўзгариши, тармоқ омиллари, ишловчиларнинг билим савияси, малакаси ва бошқалар ҳам катта таъсир кўрсатади.

Саноат корхоналарида меҳнат унумдорлигини ошириш захираларининг бир неча таснифлари мавжуд бўлиб, улар иккита катта гуруҳларга бўлинади:

- жонли меҳнатдан (меҳнат ресурсларидан) фойдаланишни яхшилаш захиралари;

- асосий ва айланма фондлардан янада самаралироқ фойдаланиш захиралари.

Биринчи гуруҳга, меҳнатни, меҳнат шароитларини ташкил этиш, ишловчиларнинг иш қобилиятларини ошириш, кадрлар таркиби ва уларни жой-жойига қўйиш, шунингдек, ходимларнинг меҳнат натижаларидан юқори моддий ва маънавий манфаатдорликларини оширишни таъминлаш билан боғлиқ масалалар киритилади. Иккинчи гуруҳ асосий ишлаб чиқариш фондлари қувватидан тўлиқ фойдаланиш захираларини, шунингдек, хомашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва айланма маблағлардан янада тежамкор фойдаланишни ўзига олади.

Саноат корхоналарининг ички ишлаб чиқариш захиралари, шунингдек, маҳсулотнинг сермеҳнатлилик даражасини пасайтириш захираларига ва жами иш вақтидан яхшироқ фойдаланиш захираларига бўлинади. Жами иш вақти фондидан фойдаланишни яхшилашга иш вақтининг бекор сарф бўлишини тугатиш ва кадрлар таркибини яхшилаш билан, яъни ишловчиларнинг умумий сонидан асосий ишчилар салмоғини ошириш билан эришилади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, саноат корхоналарида самарадорлик ва меҳнат унумдорлиги, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш учун, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, ишлаб чиқаришга янги, замонавий техника ва технологияни татбиқ этиш, корхонани ишчи кучи, малакали мутахассислар билан таъминлаш, уларни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш орқали меҳнат унумдорлигини ошириш, кадрлар олдини олиш, мавжуд табиий, моддий ресурсларидан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш чораларини татбиқ этиш кучли рақобатчилик шароитида муваффақият гаровидир.

Ўзбекистон иқтисодиётида саноат корхоналарининг, айниқса кичик бизнес ва тадбиркорлик субъекти ҳисобланган саноат корхоналарининг ролини оширишда уларда бизнес жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш механизмини

такомиллаштириш ҳозирги модернизация жараёнлари кечаётган даврда ўта муҳим ва ўринлидир. Шу сабабдан ҳам 2013 йилда бу масалага алоҳида эътибор берилди. Ушбу эътибор мамлакатимиз Президенти томонидан чиқарилаётган қонунлар, фармонлар ва қарорларда ўз аксини топмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида" 4455-сонли Фармонида қуйидагилар таъкидлаб ўтилган:<sup>18</sup>

2013 йилнинг 1 январидан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ тадбиркорлик субъектлари тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органларида қуйидаги тартиб-таомилларни ўз хоҳишларига кўра электрон шаклда амалга ошириш ҳуқуқига эга бўладилар:

банк ҳисобварақларига масофадан туриб хизмат кўрсатиш тизими, шу жумладан, «Интернет-банкнинг» тизими орқали солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш;

юкларни божхонада расмийлаштиришда тадбиркорлик субъектлари томонидан товарларни декларация қилиш;

«бир ойна» тамойили бўйича юридик шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган эгаллик ҳуқуқларини рўйхатга олиш;

тадбиркорлик субъектларининг даъво аризалари ва илтимосномаларини хўжалик судларига бериш.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда тадбиркорлик тузилмаларига хизмат кўрсатишнинг электрон шакллари ва тизимларини жорий этишда юқорида кўрсатилган суд ва давлат бошқаруви органларига, тижорат банкларига амалий ёрдам кўрсатиши кўзда тутилган.

Тижорат банкларига, тўловларни электрон шаклда амалга оширувчи кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларига хизмат кўрсатганлик учун ундириладиган тўлов миқдорини камида 20 фоизга камайтириш тавсия этилди.

Албатта бу тадбирларни амалга оширилиши кичик бизнес ва хусусий

---

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида" 4455-сонли Фармони

тадбиркорликни янада тараққий этишига кўмаклашади, лекин шу билан бирга ушбу вазифаларни амалга оширишда бизнес жараёнларини ташкил этилиши ва бошқарилиши механизмида юз бериши лозим бўлган ўзгаришларни ҳам кўзда тутиш лозим. Шу хусусда масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Покиза туз савдо” корхонасида ҳам келгуси даврда амалга оширилиши кўзда тутилган режалар ишлаб чиқилган.

Мазкур корхонанинг бизнес-режасида 2014 йилда чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, Ўзбекистон Республикаси ички бозорини корхона маҳсулотларига янада кўпроқ тўлдириш учун юқори рентабелликка эга ишлаб чиқаришни модернизациялаш мақсадида сотиб олинаётган технологик ускуналарнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эканлигини асослаш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Бундан ташқари бизнес режада фойдани ошириш, барча солиқларни тўлаш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларни камайтириш, ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақисини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини янада яхшилаш ҳамда чиқарилаётган маҳсулот хилларини кўпайтириш кўзда тутилган.

### **3.2. Саноат корхоналарини ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлаш йўналишлари**

Республикамизнинг иқтисодий тараққиёти, иқтисодий мустақиллиги, халқининг фаровон турмуш даражаси, қолаверса меҳнат ресурсларининг иш билан бандлик даражаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожини билан боғлиқдир. Бу ҳолат эса корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини рағбатлантириш даражасининг ривожланиши билан тавсифланади.

2014 йилда саноатни ривожлантиришнинг асосий омиллари қуйидагилар бўлиши кўзда тутилмоқда:

- қурилиш материаллари индустриясини ривожлантириш;
- саноатни ривожлантиришда банк кредитлари таъсирчанлигини ошириш;
- саноатни ривожлантиришда қўшма корхоналарнинг улушини ошириш;
- маҳаллий хомашёни қайта ишлаш;

махаллийлаштириш дастури ва Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси доирасида яратилган имтиёз ва преференциялардан кенг фойдаланиш;

ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорти кўламини кенгайтириш, кичик корхоналар маҳсулотларини экспортга йўналтиришга кўмаклашиш.

2014 йилда саноат тармоқларининг ривожлантирилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйида келтирилган қарорларининг бажарилиши билан чамбарчас боғлиқ:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги "2011-2015 йилларда саноатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги 1442-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 октябрдаги «Янги турдаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1623-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 декабрдаги «2014 йилги инвестиция дастури тўғрисида"ги 1668-сонли қарори;

2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш Дастури ва бошқалар.

Умумий саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда истиқболда ўзгаришлар саноат соҳасига талаб натижасида содир бўлади, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналарнинг ривожланиш ҳисобига бу соҳа янада юксалади. Савдо айланмасининг тўлиқ мувофиқлашуви натижасида бу соҳада кўрсаткич улуши пасайиши содир бўлади.

Худудларнинг машинасозлик ва металлга ишлов бериш, енгил саноат, айниқса, трикотаж, тикувчилик буюмлари тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган соҳаларида кичик бизнеснинг ўрни ва улуши етарли даражада эмас. Ваҳоланки барча соҳада ишлаб чиқариш фаоллиги тенглашса, ижобий натижаларга эришамиз.

7-жадвал

**Республика ЯИИМда худудлардаги кичик корхоналарнинг ялпи худудий**

**маҳсулотдаги улушининг истикболда ўсиб бориши (фоиз ҳисобида)<sup>19</sup>**

Республика худудлари	2010 й	2011й	2012й.	2015 й <sup>20</sup>	2015 йилда 2012 йилга нисбатан ўсиши
Ўзбекистон Республикаси	52,1	54,0	54,6	66,1	121,1
Қорақалпоғистон Республикаси	57,9	66,0	66,4	66,9	100,8
вилоятлар					
Андижон	49,9	56,3	57,4	61,1	106,4
Бухоро	51,1	65,7	65,7	57,8	88,0
Жиззах	73,0	79,8	79,9	79,8	99,9
Қашқадарё	45,8	56,2	52,4	58,4	111,5
Навои	33,5	35,9	36,9	46,1	124,9
Наманган	75,4	78,7	79,0	81,4	103,0
Самарқанд	68,3	76,2	76,3	78,9	103,4
Сурхондарё	64,8	73,8	74,2	81,7	110,1
Сирдарё	72,5	79,8	80,0	80,6	100,8
Тошкент	45,6	57,2	56,7	54,9	96,8
Фарғона	64,7	61,2	61,8	82,3	133,2
Хоразм	78,3	74,1	73,8	81,9	111,0
Тошкент ш.	70,2	53,1	53,6	79,1	147,6

Республикамизда кичик корхоналар томонидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўсишини яратилган имкониятлардан фаоллик билан фойдаланиш эвазига таъминлаш мумкин.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2015 йилга бориб, республика бўйича кичик бизнеснинг ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажмидаги улушини 61,1 фоизга етказиш, кичик тадбиркорлик корхоналарининг йиллик маҳсулот ишлаб чиқаришининг ўсиши 4-5 фоиздан кам бўлмаган ҳолатдагина амалга ошади.

Бунинг учун худудлардаги кичик тадбиркорлик корхоналарнинг республика бўйича ишлаб чиқарилган ЯИМ даги улуши истикболда юқоридаги ҳолатда ўсиб боришига эришиш зарур. Албатта бу кўрсаткич ривожланган давлатларда,

<sup>19</sup>Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси асосида ҳисобланди

<sup>20</sup> “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув қўлланма 2012, 233 б

масалан АҚШ да 75-82 фоиз, Японияда 81 фоизни, Италияда 74 фоизни ташкил этади. Республикамиз кичик бизнеснинг бундай кўрсаткичларга эришиши тадбиркорлик фаоллиги орқали амалга ошади.

Истиқболда кутиладиган натижалар асосан кичик тадбиркорликнинг фаол ривожланиши эвазига рўй беради. Бу эса улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдорининг ўсиш динамикасини таъминлайди.

Худудлар бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг истиқболда ўсиб бориш динамикасини корхоналар миқдорининг ўсиб бориш ҳолати бўйича таҳлил этсак, бу ҳолат қўшимча янги кичик корхоналарнинг ташкил этилиши ҳисобига амалга ошади.

Яратилган имкониятлардан самарали фойдаланган худудларда ялпи худудий маҳсулотнинг юқори суръатлар билан ўсиши таъминланади. Жумладан, кичик корхоналарнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш эвазига истиқболда кўзланган натижаларга эришиш таъминланади.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлиги иқтисодий фаолият жараёнлари ва унинг натижаларини акс эттирувчи кўрсаткичларда кичик бизнес улушининг юқори бўлишига ҳам боғлиқ эканлиги шубҳасиздир.

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, ҳисоб-китобларга кўра, 2015 йилда республика бўйича кичик тадбиркорлик корхоналари томонидан маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши 2010 йилга нисбатан 112,2 фоизга ўсиши кўзда тутилмоқда.

Бу натижага эришиш учун республикадаги вилоятларда ҳам бу корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улушини ошириш кўзда тутилади. Бу кўрсаткич Навоий, Наманган, Сурхондарё, Фарғона, Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида ўртача республика кўрсаткичидан юқорирок даражада ўсиши кўзда тутилмоқда.

8-жадвал

**Истиқболда худудлар бўйича кичик тадбиркорлик корхоналари**

**томонидан маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши (миллион сўм ҳисобида)<sup>21</sup>**

Ҳудудлар	2010 й	2015 й	2015 йилда 2010 йилга нисбатан ўсиши, фоизда
Ўзбекистон Республикаси	1089938,7	1223039,2	112,2
Қорақалпоғистон Республикаси	24982,3	27045	108,3
Андижон	82564,9	90880,7	110,1
Бухоро	55413,5	58893,1	106,3
Жиззах	43245,9	46670,5	107,9
Қашқадарё	74356,2	79479,4	106,9
Навоий	29100,5	33135,9	113,9
Наманган	74505,1	88925,4	119,4
Самарқанд	85090,5	95409,0	112,1
Сурхондарё	104434,0	121034,5	115,9
Сирдарё	46562,7	52173,1	112,0
Тошкент	123143,6	133621,5	108,5
Фарғона	141715,6	166116,9	117,2
Хоразм	54666,5	65282,6	119,4
Тошкент ш.	287813,5	327426,6	113,8

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши билан мамлакатимизда ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш вазифасини бевосита ҳал қилишга эришамиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва унинг асосий даромад манбаи бўлган муҳим соҳага айланади.

### ХУЛОСА

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида саноат корхоналарини ривожлантириш йўллари масалалари бўйича мавзунини ўрганиш асосида биз қуйидаги хулосага келдик.

Модернизация умуммиллий стратегия бўлмоғи керак, фақат шундай ҳолда мамлакатнинг барча ресурсларини модернизация масалаларини ҳал этиш учун марказлаштириш ва жалб этиш таъминланиши мумкин.

Бунинг учун мамлакатда қуйидаги ижтимоий шарт-шароитлар шаклланиши лозим: жадал ривожланиш учун фақат ресурсларни жалб

<sup>21</sup> “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув қўлланма 2012, 234 б маълумотлари асосида ҳисобланди

этишнинггина эмас, балки бу лойиҳани амалга оширишда жамият аъзоларининг сезиларли қисмини моддий манфаатдорлигини таъминловчи модернизация стратегиясининг мавжудлиги; модернизация стратегиясини онгли равишда ва узок вақт давомида амалга оширишга тайёр жамият аъзоларининг фаол қисмини розилиги; узокни кўрган ҳолда фикр юритувчи ва ижтимоий масъулиятни ҳис этувчи жамият аъзолари.

Кўрсатилган шартларни амалга ошириш учун уларга мос келувчи иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, идеологик ва маданий жалб этиш механизмлари шаклланиши лозим. Ўзгаришлар концепцияси миллий ишлаб чиқаришни тиклаш ва ривожлантиришга қаратилиши, ижтимоий соҳани юксалиши, аҳоли турмушининг юқори даражаси ва сифатини таъминлаш билан боғлиқ бўлиши керак. Бу йўналишдаги ҳатти-ҳаракатлар инфратузилмавий, таълим, технологик, бошқарув ва бошқа шу каби инновацияларни қўллашни кўзда тутди.

Давлатнинг саноат соҳасидаги сиёсатида кўзда тутилган мақсадли чоратadbирлари ҳисобланади. Бундан мақсад мураккаб шароитда ички ва ташқи хўжалик муҳитини оқилона тузилишини таъминлаш бўлиб, у миллий иқтисодиётга фойда келтирмайдиган, бироқ ишлаб чиқариш фаолиятидан ресурсларни олиб қўяётган барча ортиқча нарсаларни йўқотишни кўзда тутди.

Бундай ёндошув саноат ривожланишидан фақат миқдор эмас, балки сифат натижаларини ҳам олишга, уларнинг ўзгариш ҳолатлари ва тенденцияларини комплекс баҳолашни ўтказишга, инқироз муаммоларини ҳал этишни муаммоларини ҳал этишнинг турли стратегияларини қўллаш ва самарадорлигини солиштиришга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, иқтисодиётни модернизациялашнинг мақсади – мамлакат иқтисодиётини янгилаш, фан сиғимкорлиги юқори бўлган устувор соҳаларни ривожлантириш асосида мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожлантириш йўлига ўтказиш, мамлакат миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ва аҳолининг ўсиб, ўзгариб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш ҳисобланади. Бу борада “... иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник

ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди”.<sup>22</sup>

Ушбу хулосаларга таянган ҳолда биз қуйидагиларни таклиф қиламиз.

Саноат маҳсулотларининг ишлаб чиқариш даражасини таркибий жиҳатдан янгилашнинг стратегик вазифаларини ишлаб чиқиш лозим, чунки бу қуйидаги афзалликларга олиб келади:

- ижтимоий меҳнат тақсимооти натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи камаяди;
- маҳаллий бозорларни арзон ва сифатли саноат маҳсулотлари билан таъминлаш даражаси ортади, миллий бозорда ижобий конъюнктуравий муҳит янада такомиллашади;
- четдан арзон саноат маҳсулоти импорт қилиниши ва ўз вақтида жаҳон бозорига арзон саноат маҳсулотлари экспорт қилиниши натижасида аҳолининг реал даромадлари ҳамда хорижий валюта тушуми кўпаяди;
- жаҳон бозорида республика саноат ишлаб чиқариш соҳасининг ўзига хос имиджи вужудга келади

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014 йил
2. Ўзбекистон Республикаси қонуни “Рақобат тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 1-сон, 5-модда
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” “Халқ сўзи” газетаси, 03.05.2012 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “ХУСУСИЙ КОРХОНА

---

<sup>22</sup> И.А.Каримов. “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” - Т.: «Ўзбекистон» 2012

ТЎҒРИСИДА” 2003 йил 11 декабрь, 558–ИИ-сон (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 12-13-сон, 100-модда; 2007 й., 52-сон, 533-модда; 2011 й., 37-сон, 374-модда; 2012 й., 37-сон, 421-модда)

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 24.11.2011 ПФ-4354

6.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони 20.06.2005 й. ПФ -3620

7.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 18 июл ПФ-4455-сон

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури тўғрисида. 27. 02.2012 й ПҚ-1717

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори «Обод турмуш йили» Давлат дастури тўғрисида. 14 .02. 2013 й ПҚ-1920-сон

10. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси// Халқ сўзи, 2012 йил 8 декабр

11. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012-йилнинг асосий яқунлари ва 2013-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси .“Халқ сўзи” 2013 йил 19 январ

12. Каримов И.А. “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” - Т.: Ўзбекистон 2012.

13. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш”, Т.: Ўзбекистон, 2013.

14. Каримов И.А. 2014-йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”. Т.: Ўзбекистон, 2014.

## **II. Асосий ва қўшимча адабиётлар.**

15. Вахабов А.В., Разыкова Г.Х. Модернизация экономики. Т.: Университет, 2013, 224 с

16. Вахабов А.В., Разыкова Г.Х., Хажибакиев Ш.Х. Иностранные инвестиции и модернизация национальной экономики / Под ред. д.э.н., проф. А.В.Вахабова–Т.: Молия, 2011. – 300 с.

17. Дискин И.Е.Прорыв. Как нам модернизировать Россию. М.: РОССПЭН, 2008. 320 с.

18. Махмудов Н.М., Акабирова Д.Н., Стратегия инновационного развития промышленности Республики Узбекистан в период модернизации экономики. Монография. –Т.: Иқтисодиёт, 2011. – 356 с.

19. Стратегии модернизации и обеспечения долгосрочного устойчивого экономического роста. Под общей ред. д.э.н. А.М.Садыкова. –Т.: SMI-ASIA, 2011. – 438 с.

## **III. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар.**

20. Иноземцев В.Л. Что такое модернизация и готова ли к ней Россия. // Модернизация России: условия, предпосылки, шансы. Вып.1. М.: Центр исследования постиндустриального общества, 2009. С.5-78.

21.Модернизация России в контексте глобализации // Мировая экономика и международные отношения. – 2010. – № 3.

22. Побережников И.В. Энциклопедия модернизационной теории. – М., 2007, Т. 8., № 2. - С. 69

23.Дискуссия о модернизации в Газете.ru, URL: <http://www.gazeta.ru/subjects/3260384.shtml>.

24.Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси расмий маълумотлари

25. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий маълумотлари

26. МЧЖ шаклидаги “POKIZA TUZ SAVDO” корхонасининг маълумотлари

#### **IV. Интернетдаги сайтлар**

[www.lex.uz](http://www.lex.uz). (Ўзбекистон Республикаси Давлат қонунчилиги )

[www.gov.uz](http://www.gov.uz). (Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти)

[www.stat.uz](http://www.stat.uz) (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси)

[www.tdiu.uz](http://www.tdiu.uz) (Тошкент Давлат иқтисодиёт Университети)

[www.tfi.uz](http://www.tfi.uz) (Тошкент молия институти)